

Biz bundan buyon ham uzoq-yaqindagi barcha xorijiy mamlakatlar, jahon hamjamiyati bilan samarali hamkorligimizni davom ettiramiz. Bu borada ochiq, do'stona va pragmatik siyosat olib borish tamoyiliga sodiq qolamiz.

Shavkat MIRZIYOYEV



ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани 4 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Афғонистон Президенти 5 декабрь куни Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул кўйди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюрди. Мўйи Муборак мадрасасида сақланган Усмон тусҳафи ва бошқа тарихий-маърифий ёдгорликларни катта қизиқиш билан кўздан кечирди. Ташрифнинг асосий тadbирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Ашраф Ғанининг тор доирадаги учрашуви бўлди.

Сизни Ўзбекистонда кутлашдан мамнунман, деди Президентимиз. Биз кейинги бир йилда беш мартаба учрашиб, бугунги тарихий ташрифга замин ярат-

дик. Ўзбекистон Афғонистонни яқин кўшни ва дўст мамлакат деб билади. Афғонистонда тинчлик ва осейишталлик ўрнатилиши, савдо, иктисодиёт, транспорт, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимиз ривожланиши учун барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этмоқда.

Афғонистон Президенти Ўзбекистонга ташрифидан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка кенг йўл очилганидан мамнун эканини билдирди.

Бундан бир йил аввал Ўзбекистон халқи Сизга ишонч билдириб, Президент этиб сайлаган эди, деди Афғонистон раҳбари. Утган бир йилдаги ўзгаришлар бу ишонч тўғри бўлганини намоён этди. Ўзбекистон 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ кўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантир-

моқда, барча масалаларни ҳал этмоқда. Ўзбекистоннинг ташаббуслари ва амалий саъй-ҳаракатлари минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизнинг янги даври бошланганидан мамнунмиз. Умид қиламизки, бу муносабатларимиз ойма-ой, кунмакун янада мустаҳкамланиб бораверади.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 13 октябрда ўрнатилган. Икки томонлама ҳамкорлик 2016 йилга келиб, изчил ривожлана бошлади. 2017 йил январда Тошкентда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг биринчи давраси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили тайинлангани мамлакатимизнинг икки томонлама муносабатларга ажратаётган эътибори намунаси бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 25 yilligiga

Халқ руҳияти ифодаси ва ҳимояси манбаи

Одатда кўп давлатлар Конституцияси нуфузли экспертлар, депутатлар томонидан ишлаб чиқилиб, сўнгги парламентда қабул қилинади. Бундай ҳужжатлар мутахассис нуқтаи назаридан юқори баҳоларга сазовор бўлса-да, унда халқчилик, халқ руҳияти етишмайди.

Айрим давлатлар ҳатто ўз Асосий қонунларининг референдумда, халқ иштирокида қабул қилингани билан фахрланишади. Албатта, бу энг олий даражадаги қарор. Бироқ бу жараёнда халқ олдида фақат икки саволдан бирига жавоб бериш имконига бўлади: Конституция матнини тасдиқлаш ёки рад этиш.

Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хослиги шундаки, у икки мартаба халқ муҳокамасида юртдошларимиз хоҳиш-иродаси билан бойитилди. Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳаза билдирилган.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида баъзи бир нарсалар бўладики, у Ватанимиз каби ягонадир:

байроғимиз битта, гербимиз битта, мадҳиямиз битта, шу қатори Конституциямиз ҳам битта. Буларнинг ҳар бири ўз тимсолида она Ватанимиз, халқимизнинг эзгу-мақсадларини ўзида акс эттиради. Шу маънода Конституциямиз ҳар бир фуқаро учун байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби муқаддасдир.

Бош қомусимиз қабул қилинишидан мақсад ва вазифаларга эътибор берадиган бўлсак, муқаддасида мамлакатимиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувдигини таъминлаш мақсадида Конституция қабул қилинганлиги қайд этилган.

(Давоми 3-бетда.)

Тил ва адабиёт таълимини оптималлаштириш

ўзини қанчалик оқламоқда?

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши, 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори жамият маънавия-

тини юксалтиришда адабиётнинг ўрни нечоғлик юксак эканини кўрсатади.

Юртимизда таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар туфайли адабиётни ўқитишда ҳам салмоқли ютуқлар кўлга киритилди. Бироқ бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган айрим масалалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, узлуксиз таълим тизимида адабиёт фанини ўқитиш, бу йўналишда юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш шулар сирасига киради.

(Давоми 7-бетда.)

Изланиб, интилиб яшаш мукофоти — фароғат

Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасидан.



Ёш ўтган сайин тез-тез ортинга назар ташлайдиган бўлиб қолар экансан. «Умрим беҳуда ўтмадими? Уйлаган орзу-ниятларимга етдимми?» дея бот-бот ўзимга савол бераман. Инсон яшагани сайин, ҳаётнинг мазмун-мо-

ҳиятини англаб боради. Минг шукр, юртимизнинг ҳамма жойида талабаларим, шогирдларим бор. Улар йўқлаб келса, мактублар ёзса, беҳуда яшамаганимни ҳис қиламан.

(Давоми 3-бетда.)

Газетани
варақлашда:

Муаммолар ҳал этилади

Энг муҳими — эътибор

5-бет

Тугма француз тили ўқитувчиси

6-бет

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисида НИЗОМ

10-11-бетлар

ЎЗБЕКИСТОН ВА АФГОНИСТОН МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ САҲИФА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давлат раҳбарлари 2017 йил 7 июнда Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ мажлиси ҳамда 10 сентябрда Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Ван ва технологиялар бўйича саммити доирасида учрашувлар ўтказди.

29 ноябрь куни Тошкент ва Кобул ўртасида биринчи марта тўғридан-тўғри ҳаво катнови йўлга қўйилди. Бу воқеа нафақат чуқур рамзий маънога, айни пайтда катта амалий аҳамиятга эгадир. Энди икки мамлакат расмий вакиллари, ишбилармон доиралари, энг асосийси, оддий фуқаролар алоқалари учун кулай имконият яратилди.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб мавзулари кўриб чиқилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар, хусусан, терроризм, экстремизм ва наркотрафика қарши курашиш, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига қаратилган барча амалий ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Давлатимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишининг энг тўғри йўли — бу сиёсий музокаралар олиб боришдир, деган қатъий позицияда.

Ҳамкор давлатлар ва ташкилотларнинг молиявий, иқтисодий ва инсонпарварлик ёрдамига таянган ҳолда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол иштирокида умуммилий ярашувга эришиш мумкин.

Биз Афғонистон ҳукуматининг мамлакатда барқарорлик ва тинчлик ўрнатиш, музокаралар орқали умуммилий ярашувга эришиш, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлаймиз, деди Шавкат Мирзиёев. Кўшни Афғонистондаги тинчлик

Марказий Осиёнинг барқарор ва изчил ривожланиш истикболларини тўлиқ рўйга чиқариш учун имконият яратди. Ўзбекистон Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий-ижтимоий жараёнларга қўшилиши учун ҳар томонлама кўмаклашди. Иқтисодий-иқтисодий тиклаш, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, миллий кадрларни тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этади.

Бу жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига уйғун ва ҳамоҳангдир. Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ва минтақавий анжуманларда, хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида Афғонистон бўйича билдирган баёнотларини юксак қадрлаймиз, деди Ашраф Фани. Яқинда Самарқанд шаҳрида юқори даражада ўтказилган халқаро конференцияда ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатиш минтақа ва жаҳон миқёсида муҳим масала экани алоҳида таъкидланди. Минтақамизда марказий ўринга эга Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз иқтисодий-ижтимоий барқарорликда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Ашраф Фани музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Унда расмий делегациялар аъзолари, вазирлик ва йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этади. Музокараларда савдо-иқтисодий, транспорт, транзит, энергетика, кимё, агроноат, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда экспорт масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Афғонистон эса Ўзбекистон учун яқин ва катта бозор. Ўзбекистоннинг ривожланган саноати, транспорт ва

энергетика соҳасидаги салоҳияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Афғонистон учун манфаатли.

Бу борадаги имкониятларни ишга солиш мақсадида Савдо, транспорт ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия ташкил этилган. Ўзбекистон Афғонистонда темир йўл, энергетика, қурилиш лойиҳаларини амалга оширган. 2016 йилда савдо айланмаси қарий 520 миллион долларга етган.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, темир йўл, транзит ва бошқа тўловларнинг тариф нархлари туширилиб, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун янада кулай шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон бозорига машинасозлик, электротехника, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари, замонавий энгил ва юк машиналари, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришга тайёр.

Музокарада маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Афғонистонликлар учун ўзбек тилини ўргатиш, темир йўл ҳамда бошқа соҳалар мутахассисларини тайёрлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида махсус таълим маркази ташкил этилган. Термиз шаҳридаги иқтисослашган шифоҳанада Афғонистон фуқароларига tibбий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилди.

Умумий маданий-маънавий меросимиз рамзи бўлган Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа алломаларимиз қадамжоларини биргаликда қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича ҳам келишиб олинди.

2018 йил Афғонистонда Абу Райхон Беруний илмий

меросини ўрганиш бўйича халқаро конференция, Тошкентда олима аёлларга бағишланган халқаро симпозиум ўтказилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Афғонистон учун зарур мутахассисларни мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўқитишга тайёрлигини билдирди.

Афғонистон Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкентда Ислон цивилизацияси марказини барпо этиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаши таъкидланди. Мазкур марказлар ёшларни диний бағрикенглик ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар ва террорчилик ғоялари таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг Қўшма баёноти имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 16 ҳужжат имзоланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, чегара постларидан ўтказиш, фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, юкларни транзит ташиш, боғхона, қишлоқ хўжалиги, энергетика, соғлиқни сақлаш, олий таълим соҳаларига оид ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Хавфсизлик соҳасида ҳамкорликка оид қўшма комиссия тузиш, Термиз шаҳрида Афғонистоннинг консулхонасини очиб тўғрисидаги келишувларнинг муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Транспорт ва энергетика инфратузилмаларини барпо этиш соҳасидаги ҳамкорлик аввало икки мамлакат, қолаверса, минтақа давлатлари учун стратегик аҳамият касб этади. Хусусан, Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш лойиҳаси Ўзбекистон мутахассислари томонидан амалга оширилади. Мозори Шариф —

Шибиргон — Маймана — Хирот темир йўли биргаликда барпо этилади.

Ташриф доирасида Ўзбекистондан буғдой, қора металл, минерал ўғитлар, қурилиш моллари, дуклаки ва бошқа маҳсулотлар экспорт бўйича умумий қиймати 500 миллион доллардан зиёд бўлган тижорат шартномалари имзолангани алоҳида қайд этилди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда бўлиб ўтган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислон Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Учрашувда Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Фани ўзбек тилида лутф қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев буни олқишлаб, бу халқларимиз тарихи, тили, маданияти яқинлигининг далолати эканини таъкидлади.

Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Фани Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида ташриф буюрди.

Афғонистон делегацияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энгил ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиги техникалари, маший ускуналар ва бошқа саноат маҳсулотлари билан танишди.

Тадбирда самимий дўстлик муносабатларининг ифодаси сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 25 дона «Isuzu» русумли автобус ва «New Holland» маркази 3 та трактор Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан биродар Афғонистонга ҳадя этилгани эълон қилинди.

Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Фанининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Фидокорона меҳнат эътирофи

Фаргона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги Театр-концерт саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги фармони билан таъсис этилган «Ўзбекистон Конституцияси 25 йил» эсдалик нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини мўжассамлаштирган ҳуқуқий қомусдир. Конституция ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила ва умуман, жамиятимиз манфаатларини ифодалайди ва у қабул қилинган

қун ҳақли равишда умумхалқ байрами ҳисобланади. Негаки, Бош қомусимиз ҳар биримизга муайян ҳуқуқ, эркинлик беради ва уларни ҳимоя қилади. Конституциямиз инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устуворлигини мустаҳкамлади, давлат ва халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилишини белгилаб берди. Фаргона вилоятида бўлиб ўтаётган байрам тадбирларида бу алоҳида қайд этилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган улкан

ишлар Конституциямизда белгиланган тамойилларнинг ҳаётимиздаги ифодаси экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Фаргона вилояти ҳокими Ш.Фаниев вилоятдаги бошқарма ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фахрийлар ва ёшларга «Ўзбекистон Конституцияси 25 йил» эсдалик нишонини топширди.

— Ўзбекистон — барчамиз учун жонажон ватан, — дейди вилоят таттар миллий маданий маркази раҳбари Равил Тугъов. — Мамлакатимизда барча миллат вакиллариغا ўз

тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаши, ривожлантириши ва келгуси авлодларга бус-бутун мерос қолдириши учун зарур шароитлар яратилган. Конституциямизда барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолатланган. Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 25 йиллик тарихий санаси муносабати билан таъсис этилган ушбу эсдалик нишонига сазовор бўлганимдан фахрланаман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.Кўқоров сўзга чиқди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

2017-yil 6-dekabr, № 97 (9058)

Халқ руҳияти ифодаси ва ҳимояси манбаи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яъни Конституциямизнинг асосий моҳияти инсонга муносиб ҳаёт шaroитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Яна муҳим ҳамда халқаро экспертлар томонидан эътироф этиладиган хусусият — бу Конституциянинг "Ўзбекистон халқи" деб бошланишидир. Бундай жумлаларни бошқа бирон бир қонунда учратмаймиз. Бунинг ўзи ҳам халқ ҳокимиятичилигининг ёрқин далолати.

Конституциямизнинг яна бир энг муҳим хусусияти — бу халқ суверенитети эътироф этилганлигидадир. Асосий қонунимизнинг 7-моддасида асосан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи экани муҳрланган. Асосий қонунимизда "демократия" ва "демократик" сўзлари 7 марта, "халқ" сўзи 24 марта қўлланган.

Ғарб олимлари дунё конституциялари таҳлили натижасида 70 та асосий мавзунинг қамраб олиниши

бўйича 190 давлат конституцияси ва конституциявий аҳамиятдаги бошқа ҳужжатларни ўрганганда давлатимиз Асосий қонуни 0,59 натижани кўрсатиб, нисбатан кўпроқ мавзуларни қамраб олгани аён бўлди. Бу жиҳатдан Австрия Конституцияси 0,57, АҚШ Конституцияси 0,49, Буюк Британиянинг конституциявий аҳамиятдаги ҳужжатлари 0,43 натижани кўрсатган.

Конституциямизда инсон манфаатлари устун қўйилган. Асосий қонунимизни синчиқлаб ўрганган ҳар бир шахс бевосита гувоҳи бўлади, унинг бутун мазмун-моҳияти инсонга хизмат қилишга йўғрилган. Конституциямизнинг бирон-бир жойида "давлатнинг ҳуқуқи" ёки "фуқаролар давлат хоҳи-иродасини бажариши шарт" қабилидаги қондалар учрамайди. Аксинча, Асосий қонунимизда "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", "Давлат

фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди" каби давлатнинг мажбуриятларини учратамиз.

Конституциямиз ўзининг инсонпарварлиги билан ҳам ажралиб туради. Унга кўра вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайри фаолиятларни рабатлантиради.

Конституциямизнинг яна бир муҳим жиҳати, бу унинг барқарорлигидадир. Қайд этиш жоизки, ўтган 25 йил мобайнида Конституциямизнинг асосий принциплари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс муносабатлари, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига оид нормалари ўзгармади. Ўтган давр мобайнида унга 10 та ўзгар-

тиш ва қўшимча киритилган бўлса-да, буларнинг деярли барчаси давлат ҳокимиятини ташкил этиш бўлимига киритилган тузатишлар бўлиб, у ҳам бўлса мамлакатимизда конституциявий принцип бўлган халқ ҳокимиятичилигини кучайтириш, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида фуқароларнинг бевосита ва билвосита таъсирини ошириш, парламентнинг давлат ички ва ташқи сиёсатидаги ролини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда конституциявий ва одил судловнинг ўрнини янада мустаҳкамлашга оид тузатишлардир.

Қадимги Рим юристларининг фикрича, қонун қисқа, лўнда бўлиши лозим. Дунёда энг кўп сўз ишлатилган Конституция Хиндистон Асосий қонуни бўлиб, мутахассислар фикрига кўра унда 146 минг 385 сўз ишлатилган. АҚШ Конституциясида 7 минг 762, Франция Конституциясида 10 минг 180 сўз ишлатилган. Ўзбекистон Конституциясида эса

7 минг 550 сўз қўлланилган.

Қайд этиш жоизки, дунёда энг ривожланган давлатлар Конституциялари билан рақобатлашадиган Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаланинг бир жиҳати. Масаланинг бошқа бир муҳим томони, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётимизга самарали татбиқ этишда намён бўлади. Бу Конституцияда кўзлаган мақсадларимизнинг энг муҳим шартидир.

Қадимдан ҳуқуқшуносликда "ҳуқуқ, қонун ҳушёр, огоҳ, ғайратли одамлар учун ёзилади, гафлатда қолганлар учун эмас. Ким ҳуқуқларидан фойдаланмаса, кўрган зарари учун ўзи айбдор" деган қарашлар мавжуд.

Шундай экан, Конституциямиз ва қонунларимизда кафолатланган ҳуқуқлардан ҳар биримиз ўз ўрнида фойдалана олсак, ҳаммиса, ҳар ерда ҳуқуқларимиз таъминланишига эришамиз.

Мирвазл МИРАКУЛОВ,
юридик фанлари доктори,
доцент.
ЎЗА

Изланиб, интилиб яшаш мукофоти — фароғат



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тўғриси, болалик дамларимиз оғир йилларга тўғри келди. 1935 йил Тошкентда туғилган бўлсам-да, болалигим, ёшлигим Қорақалпоғистоннинг Қораўзақ туманида ўтди. 1942 йил отамнинг иши юзасидан борган жойимизда оилалар унча кўп эмас, одамлар ертўлаларда жон сақларди. Кундузлари кумга тухум кўмсангиз пишадиган даражада иссиқ бўлиб, биз фақат кечкурун ой ёруғида ўйнардик. Озиқ-овқат танқис. Ичимлик сувини ҳам ниҳоятда тежаб ишлатардик. На мактаб бор, на кутубхона. Болалигимизни безайдиган бирдан-бир нарса онамнинг эртакларию ўқиб берган китоблари эди.

1944 йил отам урушга кетиб, онам бир этак бола билан қолди. Саккиз ёшдан ошиб мактабга бордим. Ҳаммасидан ҳам очлик қийнаб юборган замонлар эди. Тез орада уруш туғди. Биз бир нарсани билардик. Ғалаба деганлари дадамизнинг уйга қайтиши эди. Ниҳоят, бизнинг уйимизда чироқ ёнди. Ғалабамиз ҳам, қувончи-

миз ҳам отамнинг соғ-саломат келгани бўлди.

1953 йил мактабни кумуш медаль билан тамомладим, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги академияга ўқишга кирдим. Ўқишни тугатиб, Ховосда, кейинроқ Чимбой туманида ишладим.

Бу соҳага меҳр қўйишимда онамнинг табиатни севиши ҳам сабаб бўлган. "Табиат меҳнатнинг мевасини жуда тез қайтаради. Бу қандай мўъжизаки, бир ҳовуч уруғ сепсанг, озгина меҳр берсанг, вақти келиб бир этак ҳосил беради", дер эдилар.

...Уйимизнинг деразасига тонгда офтоб нури тушади. Ўрнимдан туриб талабалар ҳузурига шошаман. Улар билан мулоқотларим, эртанги кунига ишониб яшаётган илм толибларининг интилишлари менга куч бағишлайди. Илм ўрганишни игна билан қудуқ қазишга ўхшатишди. Бироқ, сиз игна ушлаб қудуқ қазиётган кишини ҳеч қўз олдингизга келтирганмисиз? Битта экиннинг илдизини ўрганиш учун соатлаб суз ичида юрган кезларим бўлган. Ҳар битта экинни боламдек ардоқлаб, унинг нафас олиши, озиқланишини ойлаб кузатган дамларим

бўлган. Улар билан бирга яшадим, нафас олдим.

Ҳаётимга мазмун бахш этган яна бир қувонч — талабаларим. Илм ўрганадан деб олислардан келган, ер билан тиллашадиган, ўсимликларнинг «тили»ни тушунадиган талабаларни кўрсам, бошим осмонга етади. Бойси, бундай ёшлар ўз соҳасини гулла-тади. Юртимизнинг таянчи, бахти бўла олади. Тошкентлик Виктор Гостохин, қашқадарёлик Араббой Рўзиев, хоразмлик Абдулла Абдуллаев, қорақалпоғистонлик Эгамберди Тожибоев каби йигирмадан ортиқ шоғирдим бор. Уларнинг ўнга яқини қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, иккитаси доктор бўлди. Покистонлик Фазал Ҳайрат Тож, мисрлик Мустафо Муҳаммад Селим Али, суриялик Немех Муҳаммад Зенитдин, ливиялик Гит Халед Баҳри, вьетнамлик Нгуен Тхи Тху каби шоғирларим ҳали ҳам хабарлашиб туради. Умрининг 50 йилини ўқиб, изланишга сарф этган олиманинг парвариш қилган дарахти улар.

Улар билан биргаликда соя, мош, лoвия, судан ўти каби озуқабop ўсимликларни етиштириш устида тадқи-

қотлар олиб бордик. Бу борада кўплаб ютуқларга эришдик. Мисол учун, маккажўҳори ўлкамизда кўп экилади, серҳосил ўсимлик. Лекин ернинг кучини олиб қўяди. Маккажўҳори соя ўсимлиги билан қўшиб экилса, тупроқнинг қуввати кўпроқ ошишини исботладик.

Юртимиз мустақилликка эришгандан нафақа ёшига етган эдим. Шунча йиллар ҳозирги Тошкент давлат аграр университетининг ўсимликшунослик кафедрасида ишлаган бўлсам-да, меҳнатларим эътироф этилмаганди. Истиклол кўзимга нур, юрагимга қувват ато этди. Йилдан-йилга оёққа туриб, улғайиб бораётган ёш давлатимизнинг ютуқларидан қувондим. "Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларида ем-хашак экинлари ҳосилдорлигини оширишда технологиянинг роли" мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилдим, профессор унвонига сазовор бўлдим. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдирландим.

Рағбатдан, эътибордан руҳланиб, изланишларни бир дақиқа бўлса-да, тўхтатмадим. Шоғирларим билан шўр тупроққа, сувсизликка чидамли, серҳосил нўхат навларини яратиш борасида олиб борган изланишларимиз самарасида «Малхотра», «Ҳалима» навларини яратиб, патент олдик. Бу навлар барча вилоятларда экиш учун давлат реестрига киритилди. «Малхотра» кузда экилса, гектарида 4 тонна, «Ҳалима» баҳорда экилса, 4 тоннадан ортиқ ҳосил беради. Шу тарихи кузги ва баҳорги навлар яратилди. Уларнинг дони йирик, ҳосили яхши, қайнатганда тез пишди. Ҳозир «Асилбек» ва «Мерос» навлари синондан ўтмоқда.

Халқимизда нонни асрасанг нонга, кийимни асрасанг кийимга етасан деган нақл бор. Талабаларга юртимизда ҳар қанча тўкин-сочинлик бўлса-да, исрофга йўл қўймасликларини уқтираман. Ниҳоят — дастурхонларимиз янада тўкин, юртимиз осмонни доимо тинч бўлсин.

Ҳалима ОТАБОВА,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.
ЎЗА

Сайлов демократик тамойиллар асосида ўтади

И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида шу йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлади сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш, сайловчилар, округ ҳамда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов олиб борган тadbирда Мирзо Улугбек тумани сайлов комиссияси аъзолари, университет ўқитувчиси ва талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик қўриш жараёни кизгин паллага кирди, — дейди М.Абдусаломов. — Тарғибот тadbирлари Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунлари асосида икки йўналишда олиб

борилляпти. Белгиланган дастур асосида сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари раислари ҳамда аъзолари учун семинар, мутахассислар иштирокида учрашувлар ташкил этилмоқда. Рўйхатга олинган номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, кузатувчилар, таклиф этиладиган давлат ҳокимияти органлари мутахассислари учун барча шароит яратилган. Сайловни ўтказиш жараёнига янги технологияларни жорий этиш борасидаги ишлар ҳам халқаро стандартлар асосида амалга оширилмоқда. Жумладан, сайловлар давомида тажриба тартибида ҳуқуқий эксперимент сифатида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилиб, уларнинг тўлиқ иштирокини таъминлаш режалаштирилган.

Тadbирда сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш, комиссияларнинг ваколатлари, амалга ошириладиган ишлар, хоналарни жиҳозлаш, муддатидан олдин овоз бериш тартиби, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Ҳасан МҮМИНОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Бухоро вилоятида Адлия вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда қатор манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" кўрик-танловининг республика босқичи кўтаринки руҳда ўтказилди.

Ўтган йиллар давомида ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, уларга амалдаги қонунларимиз моҳиятини тушунти-

тарғибот-ташвиқот ишланмаларини намойиш этди. Блиц савол-жавоб шартида иштирокчиларнинг ҳуқуқий билими синовдан ўтказилди. Конституциявий билагонликни аниқлаш шартида эса иштирокчилардан Бош Қомусимиздаги муайян бобни шарҳлаш талаб этилди. Сўнги шартда ҳар бир иштирокчи ўзи тахсил олаётган таълим муассасасида Конституциямиз моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича амалга ошириладиган ишлар, ўқув биноси ва маънавият хонаси, ўқувчилар тураржойларининг

Конституция билимдони

риш, ёшларни Бош Қомусимиз, Президентимиз қарор ва фармонларига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётган мазкур тadbир қамрови йил сайин кенгаймоқда. Жумладан, ўтган йили беллашувда 66 минг 960 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 80 минг 160 нафарни ташкил этди.

Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежида юқори савияда ташкил этилган тadbирда ҳудудий босқичларда голибликни қўлга киритган ўғил-қизлар беллашди. Иштирокчилар дастлаб Конституциямиз мазмун-моҳиятини тасвирий ифодаловчи фотосуратлар, плакат, деворий газета каби

тасвирий воситалар билан безатиладигани видеоролик кўринишида намойиш этди.

Яқини натижаларга кўра, қоралпоғистонлик Девлетбай Лепесбаев 1-ўринга муносиб топилди.

— Бу каби тadbирлар ҳуқуқий билимимизни ошириш, эгаллаган кўникма ва малакамизни синовдан ўтказиш билан бирга, юртимизнинг барча ҳудудидан келган иқтидорли тенгдошларимиз билан дўстлашиш имконини беради, — дейди Девлетбай Лепесбаев. — Беллашув баҳонасида мен ҳам кўплаб билимдон дўстлар орттирдим. Уларнинг изланишлари, таълим-тарбия олаётган муассасалари ҳақида маълумотга эга бўлдим.

Ирода ОРИПОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Халқаро ноғиронлар куни муносабати билан "Бағрикенг жамият сари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Бағрикенг жамият сари

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Тadbирни Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Васила Алимова очиб, мазкур давра суҳбати аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, олимлар, мутахассисларнинг ўзаро фикр алмашиши учун ўзига хос мулоқот майдони эканини таъкидлади.

Давра суҳбатида имконияти чекланган шахслар учун қулай шароитларни яратиш борасида халқаро тажрибани омдалаштириш, тиббиёт ва педагогик кадрларнинг касбий компетентлигини ошириш юзасидан ва бошқа масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ҳар доим бахтли бўлиш учун нима қилишим керак, деган саволни ўз олдимга қўярдим. Уйлаб қарасам, шу йўлда интилиб, бахтли инсонлар қаторида бўлишга ҳаракат қилаётганимнинг ўзи мен учун улкан муваффақият экан. Қаяерга борсам, атрофимда фақатгина яхши инсонлар ҳамроҳ бўлгани меннинг бахтим, — дейди УЗМУ катта ўқитувчиси Абдулло Абдухалилов.

Давра суҳбатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Э.Боситхонова, Исроил давлатининг Ўзбекистондаги фавулод ва мухтор элчиси Эдуард Шапира, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн иштирок этди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Бахтли юрт фарзандимиз

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан Зарбдор туманидаги 3-мактабда қатор тadbирлар ўтказилиб, уларда бошланғич синф ўқувчиларининг ҳам фаол иштирок этишига эътибор қаратилляпти.

Қўтуғ санага бағишланган "Қомусимиз — бахтимиз" мавзусида адабий учрашув ташкил этилди. Унда ўқувчилар Конституция ҳақидаги таассуротларини баён ёзиш, расм чизиш, сахна кўриниши орқали ифодалашди. Бош Қомусимизнинг 25 йиллигига бағишлан-

ган бундай тadbирлар декабрь — бошланғич таълим йўналишидаги фанлар ойлиги доирасида ҳам давом этмоқда. Тажрибали ўқитувчилар Назира Эргашева, Зебо Тўраева томонидан ўтилган очик дарслар ёш педагоглар учун маҳорат мактаби бўлди. Шунингдек, "Бахтли юрт фарзан-

димиз", "Қомусим — офтобим", "Ҳуқуқимиз кафолати" мавзуларида расмлар, хусниҳат ва деворий газеталар танлови ҳамда шеърят кеча-си ўтказилди.

Насиба МАМАДАЛИЕВА,
Нигора ПАРДАЕВА,
бошланғич синф ўқитувчилари

Компетенциявий таълим бўйича тренинг

Бектемир туманидаги 290-мактабда ўтказилган "Таълим соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни бартараф этишда дарс тахлилининг аҳамияти" мавзусидаги семинар-тренингда дарс қўзутуви ва тахлили орқали педагогларнинг касбий компетенциясини шакллантиришга эътибор қаратилди.

"Маҳорат дарслари"да математика, рус тили, она тили ва адабийёт фанлари ўқитувчиларининг тажрибаси оширилди.

— Таълимни модернизация қилиш, "Ўрган-ўргат" тавсияси асосида педагоглар ўртасида соғлом рақобат ва ҳамкорликни кучайтиришга эътибор қаратилляпти, — дейди туман халқ таълими бўлими методисти Саломат Намуротова. — Жумладан, бошланғич синфларда математика фанини ўқитиш ва боланинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ўстиришда интеграцион дарслар ташкил этилмоқда.

Яккасарой туманидаги 135-мактабда "Дарс жараёнида компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган методлар ва уларни қўллаш йўллари" мавзусида



семинар-тренинг ўтказилди. Тadbирда Дилбар Дадамирзаева ва Дилдора Носирова ўтган очик дарс мутахассислар ва иштирокчилар томонидан қўзатиildi.

— Бошланғич синфларда "Чархпалак", "Дарахт" методларидан фойдаланиш яхши самара беради, — дейди 144-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Машрабхон Умарова. — Бу усуллар ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини оши-

ради. Масалан, "Дарахт" методида барг ва гулларни ҳар бир мавзудан келиб чиқиб жойлаштириш мумкин. Бугунги тadbирда шу каби қизиқарли методларни қўллаш бўйича зарур билимларга эга бўлдик.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

2017-yil 6-dekabr, № 97 (9058)

Муаммолар ҳал этилади

Энг муҳими — эътибор

Бу йил куз серёмғир келмаган бўлса-да, Ўзбекистон Миллий университети тасарруфидоги 18-талабалар тураржойида қатор муаммолар кузатилади. Бино томидан чакка ўта бошлади. Иштиш тизимида узиллишлар бўлди. Бироқ тураржой маъмурияти муаммони ўз вақтида ҳал этиш юзасидан етарли чора кўрмади. Талабалар кенгашиб, бу масала бўйича ректорнинг виртуал қабулхонасига мурожаат этишга қарор қилишди. Шу йилнинг 12 ноябрь кuni талабалар номидан тарбиячи-ўқитувчи Бунёд Орзиқулов мавжуд вазиятни баён этиб, rector@puu.uz электрон манзилига хат йўллади. Мурожаатдан сўнг уч кун ичида бинода таъмирлаш ишлари олиб борилиб, талабалар тураржойи қишки мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

ундаги шарт-шароитларни яхшилаш каби масалалар кўтарилган. Семестр охирида ўқув ва баҳолаш жараёни бўйича мурожаатлар кўпаяди. Уларни вақтида ҳал этиш учун ҳужжатлар ижросини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими йўлга қўйилган. Унга кўра назорат карточкаси очилиб, масалани қонунчиликда белгиланган муддатда кўриб чиқиш учун масъул ходим ва ижрочи белгиланади. Конституциямизнинг 35-модда-

Хоразмлик Расул Ҳожиёв Урганч давлат университетини тугатган, магистратурада ўқишни давом эттириш учун пойтахтга келди. Ўзбекистон Миллий университети талабалари сафидан жой олган йигит уйдан узокда таълим олишнинг ўзига хос иқтисодий қийинчиликларини кейин билди. Серфарзанд оиладан чиққани боис Расул ижара уйда яшаш имконини тополмади. Университет ётоқхонасидан эса, биринчи навбатда, чин етим, ота ёки онаси (боқувчиси)ни йўқотган, тўлов-контракт асосида ўқитган ва моддий жиҳатдан қийналган талабаларга жой берилади. Магистрантлар бу имкониятга деярли эга эмас. Шу боис Расул Ҳожиёв ректорнинг виртуал қабулхонасига ўзининг оилавий шароити ҳақида батафсил ёзиб, талабалар тураржойидан жой олишга ёрдам сўради. Тез орада махсус комиссия магистрантнинг оилавий шароитини ўрганиб, мурожаатини қаноатлантирди.

— Ректор виртуал қабулхонасининг ташкил этилиши ўқув-тарбия жараёнидаги кўплаб тўсиқларни бартаф этиб, турли тушунмов-

2017-yil — Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili

чиликларнинг олдини олиш, университет фаолиятининг шаффоқлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ректори Авазжон Мараҳимов. — Ҳар бир факультет ва талабалар тураржойи кириш жойларига ректор виртуал қабулхонаси электрон манзили ва ишонч телефони рақами илинган. Олдин аудитория ва деканатдан берига ўтмаган масалалар энди тўғридан-тўғри ректоратга келиб, ечимини топомоқда. Айниқса, қабул жараёнида ота-оналар ва абитуриентларнинг кўплаб саволларига жавоб беришда бу тизим самара берди. У орқали ҳатто хизмат сафари пайтида ҳам онлайн мuloqot олиб бориш, сайтнинг ҳолатини кузатиш мумкин. Айниқса, сентябрь ойида мурожаатлар ниҳоятда кўп бўлди. Бир кунда 57 тагача мурожаат келиб тушди. Уларда асосан қабул жараёни, қўшимча қабул шартлари, ўқишни тиклаш, стипендия, талабалар тураржойига жойлашиш,

сида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқишли шарт"лиги қайд этилган. Турли маънавий-маърифий тадбирларда талабаларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Жумладан, мурожаат этиш ихтиёрийлиги, унинг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги кераклиги ўқтирилади. Энг муҳими, ахборот соатларида ректорнинг виртуал қабулхонаси фаолият олиб бораётгани ҳақида мунтазам маълумот берилмоқда.

— Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахс-

лари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишли учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт, — дейди ҳуқуқшунос Гули Яхёева. — 2017 йилнинг шу кунига қадар Ўзбекистон Миллий университети ректорига келиб тушган олти юзга яқин мурожаат ҳам шундай белгиланган тартибда ҳал этилган. Шундан 151 таси rector@puu.uz электрон манзилига келган мурожаатлар бўлиб, уларнинг 107 таси ариза, 24 таси шикоят ва 20 таси таклифлардан иборат. Мурожаатларнинг 111 таси бўйича тушунтириш ишлари олиб борилган, 40 та мурожаат ижобий ҳал қилинган. Рад этилган, такрорий йўлланган мурожаатлар йўқ. Университет ваколати доирасида ҳал этилмайдиган масалалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳавола этилиб, бу ҳақда мурожаат этувчи хабардор қилинган.

Виртуал қабулхонага мурожаат қилган фуқароларнинг талаби қай даражада қондириляётгани уларнинг миннатдорлик билдирилган мактубларида ўз аксини толган. Жумладан, Саидбобур Саидмуродов, Дилшод Шодиев, Феруза Расуллова, Дилафруз Хошимова иккинчи мутахассисликда таълим олиш бўйича мурожаати ижобий ҳал этилганидан мамнун. Талабалар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида доим ҳам эшик қоқиб, ботиниб ректорга айта олмайдди. Ректорнинг виртуал қабулхонаси бу жараёнда мuloqot учун кўпгача вазифасини бажармоқда.

Санобор ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Фермер қизнинг шижоати

"Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар".

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 46-модда)

Шу йил 30 июнь кuni Ёшлар иттифоқининг Симпозиумлар саройида ўтказилган курултойида "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонини совриндори Сарвиноз Шокирова ҳам сўзга чиқди. Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш борасида амалга ошириляётган саъй-ҳаракатлар учун миннатдорлик билдириб, ўзи каби ёш фермерларни кишлоқ хўжалиги техниклари билан таъминлашда амаллий ёрдам сўради. Пойтахтдан қайтган ёш фермер дала бошида турган иккита яп-янгит тракторни кўриб, илтимоси бу қадар тез ижобат топганидан шошиб қолди. Шу кунийёқ барча оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кўзлари юксак эътибор ва ғамхўрликдан порлаган қизнинг Президент совғаси — замонавий русумли тракторлар ёнида тушган сурати яшин тезлигида тарқалди.

Ҳа, мамлакатимизда олиб

бориляётган кенг кўламли янгиланишлар аёл-қизларнинг ҳам кишлоқ хўжалиги жабҳасида самарали фаолият юритиши, Ватанимиз раваннақига ҳисса қўиши учун муносиб шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Сирдарёлик ёш фермер Сарвиноз Шокирова шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, салмоқли муваффақиятга эришяётганлардан.

— 2012 йили Гулистон агро-саноат касб-хунар коллежини тугатиб, "Сарвиноз Собиржоновна файзи" фермер хўжалигини ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Алишер Навоий номили кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 53 гектар ер майдони ажратиб берилди, — дейди фермер қиз. — Бу ишонч зиммамга катта масъулият юклашини, тинимсиз меҳнат қилишим кераклигини яхши билардим. Шунинг учун ҳам ишни бошлаган кунимданок ҳар бир қарич ер, тўрт фаслнинг ҳар ганимат кунидан унумли ва



тўғри фойдаланишга ҳаракат қилдим. Зеро, бугунги фермер фақат галла, пахта етиштирувчи оддий дехқон эмас, серкирра тадбиркор бўлиб, дала маданиятини мукамал эгаллай олсагина кутилган натижага эришиши мумкин.

Ўз фаолиятига ана шундай талабчанлик билан ёндашиб, она заминга астойдил меҳр қўйган Сарвиноз ўтган йиллар давомида қатор муваффақиятларни қўлга киритди. 2014 йили Ўзбекистон фермерлар кенгаши томонидан ўтказилган танловда "Йилнинг энг фаол ёш фермери" номинациясини қўлга киритди. Савдо-са-

ноат палатаси "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" шиори остида ташкил этган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар кўргазмасида "Йилнинг энг намунали ёш фермери" дея тан олинди. Энг қувончлис, у қўлга киритаётган ютуқлар ўнлаб сирдарёлик ёшлар қалбиди фермер бўлиш иштиёқини уйғотаёттир. Айни пайтда у бошқаряётган хўжаликда ўндан ортиқ иш ўрни яратилган. Сарвиноз яна кўплаб йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш ниятида.

— Президентимиз жиноятчиликнинг олдини олиш, халқимиз осойишталигини

таъминлаш ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратаяпти, — дейди Сарвиноз Шокирова. — Менимча, инсон ўз севган машғулотини билан банд бўлиб, эҳтиёжлари учун зарурий маблағни меҳнати ортидан топса бировнинг қўлига қараб қолмас, қинғир кўчаларга кирмайди. Демак, айнаи куч-қувватга тўлган пайтда ҳар бир ёш, албатта, иш ўрнига эга бўлмоғи керак.

Оташқалб қизнинг режалари катта: 3 гектар майдонда интенсив боғ яратиб, анорзор ва лимонзор барпо этиш, сунъий қўл қилиб ғоз, ўрдақлар парваришлаш, фермер хўжалиги тармоғини кенгайтириб, меваларни қайта ишлаш ниятида. Албатта, бу ниятларнинг ижобати тинимсиз меҳнат, вақт, сабр-тоқат, кези келганда учраши мумкин бўлган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун қатъият, руҳий куч-қувват талаб этади. Бу борада Сарвиноз Шокирова бир нарсасига ишонди: ортида ташаббуслари кенг қuloch ёйишига мададкор, таянч бўлгувчи Ватани, ҳар жабҳада хотин-қизлар ва эркаларнинг ҳуқуқлари тенглигини таъминлаб турувчи Бош Қомусимиз бор!

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Паркент шахрига ташриф буюрган сайёҳлар 6-мактабга ҳам боришди. Хорижлик меҳмонлар мактабдаги манзара, безатилган очик сахна ва миллий либосда бадий чиқиш қилаётган ўқувчиларга ҳайрат ва ҳавас билан боқишди. Таржимон ёрдамида инглиз тилида сўзлашаётган хорижликлар муаллима Сайёра Қурбоналиеванинг диққатини тортди. У меҳмонларнинг талаффузидан француз эканини дарров фаҳмлади.

Туғма француз тили ўқитувчиси

- Bonjour! Comment allez-vous?
- Vous n'êtes pas fatigué?
- Bon! Savez-vous le français?
- Formidable!
- Oui.
- Comme qui travaillez-vous?
- Je suis professeur.

Ўқитувчи меҳмонларни мактаб ҳаёти, эришган муваффақиятлар билан таништирди.

«Илнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2017» республика кўрик-танловида француз тили бўйича голиб бўлган Сайёра Қурбоналиева табиатни муаллим, десак ҳеч муболага бўлмайди.

— Бугунги кун ўқитувчидан нафақат сифатли таълим беришни, балки ўз устида тинимсиз ишлашни, ўқиб-ўрганишни талаб этади, — дейди қахрамонимиз. — Ишда, ҳаётда турли инсонлар билан суҳбатлашишга тўғри келади. Ҳар гал бу суҳбатлардан нимадир ўрганишга интиламан. Ҳатто ўқувчилардан ҳам ўрганиш мумкин. Ўқитувчиликка меҳрим болалиқдан бошланган. Бунга француз тили ўқитувчимиз Обид Пўлатовнинг тиришқоқлиги сабаб эди. У киши ўша даврдаёқ дарсини ноанъанавий методлар асосида ўтарди. Шеър, қўшиқ, монологларни ифодали ўқиб, француз адабиётига бағишланган бадий кечалар ўтказарди. Бу биз ўқувчиларнинг фанга қизиқишимизни оширарди. Мактабни битираётганимизда ота-онам ҳужжатларимни тиббиёт олий ўқув юртига топширишимни хошлашди. Бундан хабар топган ўқитувчим

уйимизга келиб, «Ахир бу қиз туғма француз тили ўқитувчиси-ку», деган. Шу гап ота-онам учун етарли бўлган. Олий маълумот олиб, ўзим таҳсил олган мактабда иш бошладим.

Қарий 32 йилдирки, Сайёра Қурбоналиева Паркент туманидаги 6-мактабда француз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

— Паркент туманидаги 6 та мактабда француз тили ўқитилди, — дейди 6-мактаб директори Ислол Алматов. — Бу мактабларнинг француз тили ўқитувчилари ҳаммиша ўзаро таъриба алмашиб, семинар, давра суҳбатлари ташкил этиб туришади. Мақсад — маҳорат ошириш. Бундай тадбирлар Сайёра Қурбоналиеванинг ташкилотчилигида ўтади. У дарсдан ташқари пайтда ҳам тинмайди. Гоҳ эртанги мавзу учун янги манбалар излаётган, гоҳ ёш ўқитувчиларга методик ёрдам бераётган бўлади. Ҳамкасблари дарсини кузатиб, таҳлил қилишга ҳам вақт топади.

Мулоқот — тил ўрганиш жараёнида асосий ва муҳим восита. Унга ҳамма тил ўргатувчи ўқитувчилар ҳам эриша олмайди. Ўқувчилардаги тортинчоқликни бартараф этишга эришган ўқитувчи бунга муваффақ бўлади. Қахрамонимиз ҳам тил ўргатишда ўқувчилар билан эркин мулоқотни йўлга қўйишга интилади. Содда ва самимий суҳбат орқали француз тилидаги таянч сўз ва ибораларни ўргатади.

— Мулоқотда ўқувчининг хатосини кўрсатиш ўзига ишончини сундиради, — дейди Сайёра Қурбоналиева. — Шу сабаб хато сўзни ўзим

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



тўғриламайман. Балки «Ўз хатонгни тузат» (Corrige tes fautes), «Дўстингинг хатосини тузат» (Corrige les fautes de ton ami) каби методлардан фойдаланаман. Биринчи ҳолатда ўқувчилар аввал берилган вазифани мустақил, сўнг ўқитувчи билан бирга доскада бажаради ёки мониторда унинг тўғри жавоби кўрсатилади. Ўқувчи тўғри жавобни ўз жавоби билан солиштириб, хатосини тўғрилайди. Иккинчи ҳолатда ўқувчилар партадоши билан дафтарларини алмашган ҳолда бир-бирининг хатосини текширади.

Ўқувчиларни фанга қизиқтиришда Сайёра Қурбоналиева болаларбоп французча қўшиқлардан ҳам самарали фойдаланади. Грамматикани ўргатишда француз тилидаги эртақларни монитор орқали қўйиб беради. Бу методдан мактабдаги барча филология йўналишидаги фан ўқитувчилари ҳам фойдаланапти.

Зилола МАДАТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳуқуқий компетенциялар дарсга мустаҳкамланади

Ўқувчи эгаллаган билим, малака, қўникмаларини кундалик ҳаётда қўллай олиши, компетентли ўқувчини тарбиялаш учун аввало дарсини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш талаб қилинади.

Шароф Рашидов туманидаги 14-мактабнинг давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси Умида Худойбердиева бу борада ўзига хос таърибага эга. Айниқса, у ўқувчиларнинг ҳуқуқий компетенциясини шакллантиришда ноодатий усуллардан кенг фойдаланади. Ҳар бир дарсини бирон янгилик ёки хабар етказиш билан бошлайди.

Мисол учун, бугунги дарсини мусика бўйича халқаро танловда юқори ўринни эгаллаган иқтидорли ўқувчилар ҳақидаги хабар билан бошлади. Мамалятимизда ўқувчиларнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатланганини, ёшларга етарли шарт-шароит яратилганини таъкидлади. Сўнг ўқувчиларини фаоллаштириш учун савол-жавоб ўтказди.

— Ўқувчилар, айтинг-чи, бу имкониятлар Бош Қомусимизнинг нечанчи моддасида акс эттирилган?

Синфдаги барча ўқувчи жавоб беришга ошиқди. Ўқитувчи руҳсати билан биринчи партада ўтирган қизча ўрнидан турди.

— Бундай ҳуқуқлар Конституция-мизнинг 41-моддасида акс этган бўлиб, «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидир», — дейилган.

Ўқитувчи дарс жараёнида Бош Қомусимизнинг моддаларини шарҳлашга алоҳида эътибор берди. Дарс жараёнида ўқувчилар зиммаларидаги бурчни ҳам англаб етишди.

— Давлат ва ҳуқуқ асослари фа-

нидан олган билимларни амалиётда қўллаш имконияти кенг, — дейди Умида Худойбердиева. — Йил бошида бир ўқувчим қандай қилиб имтиёзли кредит олиш мумкинлиги ҳақида сўради. Унга тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар қаерга, қандай мурожаат қилишни тушунтирдим. Маслаҳатларимга амал қилиб, ўқувчимнинг ота-онаси иссиқхона ташкил этиш учун имтиёзли кредит олди. Айни кунда олинаётган даромад оила бюджетини мустаҳкамламоқда. Бу биргина ўқувчимнинг ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий билимини ҳаётда қўллаётганига мисол. Ёки ўқувчилар гоҳида болаларча шўхлик қилиб, мактаб ҳовлисидаги дарахт шохларига осилиб, шикаст етказди. Бундай вазиятда ҳам эгаллаган билимлари асосида бир-бирларини тартибга чақиритишди. Яъни, Бош Қомусимиздаги табиатни асраш ҳар

бир фуқаронинг бурчи эканлиги ҳақидаги модда эсга олинади. Аксарият ўғил болалар шўх, ўйинқароқ бўлади. Гоҳида машинага тош отиб, ойнасини синдиришни оддий шўхлик деб ўйлашади. Уларга бу хатти-ҳаракат замирида жиноят аломатлари мавжудлигини тушунтираман. Бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят

қонунининг бир қисмида белгиланганини айтаман. Натижада ўқувчилар юқоридаги хатти-ҳаракат қонунда қандай изоҳланишини билиб оладилар. Воёга етмаганлар 16 ёшдан маъмурий жавобгарликка, 14 ёшдан эса айрим моддалар асосида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида етарли тушулчуга эга бўлишади. Ўқувчиларнинг таълим муассасасида одоб қоидаларига амал қилиши, ўзини тутиши ҳуқуқий билимларини ҳаётда қўллай олишидан далолат беради.

Педагог билан суҳбатлашув жараёнида унинг доимо изланишда эканлиги мустаҳкамлашда АКТдан самарали фойдаланади. Компьютерда тўғрилиққа даъват этувчи мульт-

фильмлардан парча намойиш этади. Масалан, шу кунги машғулотларда «Тўғри бой ва эгри бой» эртагидаги Ўғривойнинг қинғир ишлари биргалда муҳокама қилинди.

— Фарзандларимиз ҳуқуқий билимларини ҳаётда қўллашга жуда чанқоқ, — дейди Умида Худойбердиева. — Масалан, ўқувчиларимиз ташаббуси билан мактабимизда «Болалар парламенти» ташкил этилди. Унда ўғил-қизлар миллий қонунчилигимизни ўрганиб, уларда ўзини ўзи бошқариш, мактаб маъмуриятига яқиндан ёрдам бериш қўникмалари шаклланамоқда. Бу уларнинг ижодий ишларида ҳам намойён бўлмоқда. 7-«А» синф ўқувчиси Дурдона Исомиддинова «Қишлоғимиз қонун посбонлари» номли, 9-«В» синф ўқувчиси Жаҳонгир Абдурашулов эса мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислол Каримов ҳақида «Мангуликка дахлдор сиймо» номли китобча ёзди.

Таърибли ва изланувчан муаллимнинг шоғирдлари турли кўрик-танловларда фаол иштирок этмоқда. Мисол учун «Ислол Каримов асарлари билимдони», «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори», «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танловларининг республика босқичида мактаб жамоаси фахрли ўринларни қўлга киритаётгани конюяр ва фидойи устознинг хизматлари самарасидир.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

2017-yil 6-dekabr, № 97 (9058)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бадий адабиёт аниқ, табиий ёхуд техника фанлари сингари ишлаб чиқариш равнақига бевосита таъсир кўрсатмаса-да, ишлаб чиқаришни бунёд этувчи кадрлар, жамият аъзолари маънавиятига таъсир кўрсатиб, камолотга ундовчи кудратли воситадир. Шу боис ҳам адабиёт таълимига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимизда "Дав-

ўқувчиларга аниқ, раво баён эта олиши, тушунарли, таъсирчан нутққа эга, ёзма саводхонлиги юқори бўлиши лозим. Афсуски, ҳозир аксарият ўқитувчилар фаолиятида нутқ ва ёзма саводхонлик билан боғлиқ қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Бу педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг барча факультетлари намунавий ўқув режасига она тили ва адабиёт фанларини киритиш,

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими намунавий ўқув режаларига янги фанлар киритилмапти. Масалан, инглиз тилини ўқитиш ва ўрганиш зарурати режадаги бошқа фанларга ажратилган соатларга таъсир этиши шубҳасиз. Лекин етук кадр тайёрлашда мутахассислик фанларининг салмоғи талаб этилган даражадан кам бўлмаслигини инобатга олиш лозим.

"Оптималлаштириш" атамаси ижтимоий ҳаёт-



Fikr, mulohaza, taklif

лар бисёр, бироқ уларнинг ҳар бири ўз мақсад ва вазифаларига, ўз ички хусусиятларига эга. Ўз навбатида, бу талабаларнинг бадий адабиётни, ундаги ҳодиса ва жараёнларни тўлиқ идрок этиши ҳамда ўзлаштиришига салбий таъсир этмоқда. Айни ҳулоса адабиёт муаллимлари ва мутахассислари ўртасида ўтказилган

Бизнингча, факультетлар ва кафедраларни бирлаштириш масаласига ҳам жиддий ёндашиш керак. Баъзи олий ўқув юрларида (масалан, Гулистон давлат университети) 2015-2016 ўқув йилидан ўзбек филологияси йўналишидаги "Адабиётшунослик" ва "Ўзбек тилшунослиги" кафедралари бирлаштирилиб, педагогика факультети таркибига ўтказилди.

Бундан 50—60 йил илгари юқори малакали мутахассислар йўқлиги сабабли тилшуно ва адабиётшуно мутахассислар бир кафедрада фаолият кўрсатган. Кейин малакали мутахассислар етишиб чиққач, ҳар икки йўналишдаги кафедралар мустақил фаолият олиб боргани,

Тил ва адабиёт таълимини оптималлаштириш

Ўзини қанчалик оқламоқда?

лат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши туфайли ўзбек тили ва адабиёти мутахассислари тайёрлайдиган олий ўқув юрларидаги факультетларга эътибор қучайтирилиб, ўқув соатлари кўпайтирилди. Шунингдек, нофилологик йўналишларда ҳам ўзбек тили ва адабиётининг юзасидан буйруқлар чиқарилди. Лекин икки-уч йилдан сўнг бу ҳаракатлар деярли барҳам топди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мамлакатдаги ўқув юрларининг нофилологик факультетларида, лицей ва коллежларда ўзбек адабий тили ва адабиётини махсус курс сифатида ўқитиш тўғрисида (1992 йил 25 октябрь

Ўқитувчи нутқ маданияти фанини асосий фан сифатида ўқитишга, ажратилган соатларни кўпайтиришга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши намунавий ўқув режасини такомиллаштириш пайти келди. Мазкур йўналишда умумқасбий (яъни, ўзбек тили ва адабиёти) фанларига 1999-2000 ўқув йилида 4050 соат ажратилгани ҳолда, ҳозирги вақтга келиб бу кўрсаткич деярли минг соатга камайган. Математика ва табиий фанлар блоккидаги предметларга эса 1030 соат, жумладан, демография асослари учун 120 соат, олий математика учун 120 соат ажратилган. Талаба математика фани бўйича мактаб, ли-

нинг турли жабҳаларида рўй бераётган ижобий ҳодисаларни, янгиликларни англайди. Бироқ адабиёт таълимида амалга оширилаётган оптималлаштириш баъзан ўзини оқламапти.

Фан, предмет, ўқув курсларини тўғри номлаш таълим жараёнини ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Кейинги пайтда олий ўқув юрларининг филология факультетлари намунавий ўқув режасидаги адабиётшуносликка кириш ҳамда адабиёт назарияси фанлари бирлаштирилиб, адабиётшунослик назарияси номи остида ўқитиладиган бўлди. Бир қарашда, мохиятан шундай қилиш ўринлидир. Бироқ "Адабиётшунослик назарияси" деган мазмунан ҳеч қандай тушунча англатамайдиган қурама атама янгилик бўлди. Боз устига, иккита мустақил фаннинг битта ўқув предметига айлантирилиши натижа-сида мутахассислик фани 270 соатнинг деярли 27 фоизидан мосуво бўлди.

Яқин йилларга филолог талабалар ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, янги ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабий танқиди тарихи, жаҳон адабиёти тарихи, туркий халқлар адабиёти тарихи сингари алоҳида-алоҳида фанлардан таҳсил олар, адабий таълимнинг бу даражадаги дифференцияси ўзини тўла оқлар эди. 2015-2016 ўқув йилига келиб (эҳтимол, яна соат қисқаришлари туфайли бўлса керак), юқоридаги предметлар "оптималлаштирилди". Бунинг натижаси ўлароқ ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти, янги ўзбек адабиёти ва адабий танқиди тарихи, жаҳон ва туркий халқлар адабиёти каби кенг қамровли фанлар юзага келди. Тўғри, бирлаштирилган фанларда умумий нуқта-

Педагогика йўналишидаги олий ўқув юрлари таркибиде мусиқа таълими йўналиши мавжуд. Унда 2014-2015 ўқув йилига қадар ўқитилган ўзбек адабиёти (поэзия) предмети ўқув режадан чиқарилиб, ўрнига физика қўйилди. Бу фан талабалар замонавий чолғу асбобларининг техник жиҳатларини билиши учун зарур, бироқ мусиқани азалий йўлдоши бўлган шеърятдан мосуво этиш қанчалик тўғри?

сўровномаларда ҳам ўз аксини топди.

Ҳамма соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар замирида мутахассислик фанларидан олинган билимлар туради. Адабиёт таълими ҳам бундан мустасно эмас. Афсуски, кейинги йилларда таълимдаги янгиликлар соатларни қисқартириш ёки оптималлаштиришдангина иборат бўлиб қолмоқда.

Инсон маънавиятини шакллантиришда, дунёқарашини ўстириш ва сўз бойлигини оширишда ҳеч қанга восита адабиётга таянлашга олмайди. Шундай экан, талабаларга, айниқса, бўлғуси педагогларга адабиётни ўқитиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларининг барча факультетлари ўқув режасига адабиётни фан сифатида киритиш орқали етук малакали кадрлар тайёрлаш, жамиятда китобхонлик маданиятини юксалтириши мумкин.

Педагогика йўналишидаги олий ўқув юрлари таркибиде мусиқа таълими йўналиши мавжуд. Унда 2014-2015 ўқув йилига қадар ўқитилган ўзбек адабиёти (поэзия) предмети ўқув режадан чиқарилиб, ўрнига физика қўйилди. Бу фан талабалар замонавий чолғу асбобларининг техник жиҳатларини билиши учун зарур, бироқ мусиқани азалий йўлдоши бўлган шеърятдан мосуво этиш қанчалик тўғри?

таълим тизими бундан кўп нарса ютгани сир эмас. Тил ва адабиёт ўзаки қараганда бир-бирига яқин бўлгани ҳолда ниҳоятда катта фарқ ва ўзига хосликларга эга.

Ҳозир тест синовлари борасида турли фирм, мулоҳазалар билдирилмоқда. Она тили ва адабиёт таълими нуқтаи назардан оладиган бўлсак, тест синовлари бу фанларнинг мазмун-моҳиятига унчалик тўғри келмаслигига амин бўлаемиз. Чунки айни пайтдаги тест тизимида асосан фактларни ёдда сақлаш таъминлашга унчалик қилади. Абитуриент ёки талабанинг адабий ҳодисаларга ижодий ёндашуви-ни, улар ҳақида мустақил мушоҳада юритиши, фикрини озаки ва ёзма равишда саводли баён этиб беришини аниқлашнинг иложи йўқ. Фикримизча, филология йўналишларига талабалikka қабул қилиш бўйича синовлар ижодий ёзма иш ва суҳбат тарзида амалга оширилиши лозим.

Бахтиёр НАЗАРОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, **Умурзоқ ЎЛЖАБОВЕВ,** Гулистон давлат университети доценти, **Курдош ҚАҲРАМОНОВ,** филология фанлари доктори, **Ислом ЁҚУБОВ,** Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, **Шаҳноза ЭРГАШЕВА,** филология фанлари номзоди

Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши намунавий ўқув режасини такомиллаштириш пайти келди. Мазкур йўналишда умумқасбий (яъни, ўзбек тили ва адабиёти) фанларига 1999-2000 ўқув йилида 4050 соат ажратилгани ҳолда, ҳозирги вақтга келиб бу кўрсаткич деярли минг соатга камайган.

ва 1996 йил 14 ноябрь) икки марта буйруқ чиқарган, улар асосида тузилган дастурни ҳам вазирликнинг ўзи 1998 йили тасдиқлаган эди. Шу дастур асосида икки нафар академик (Ғ.Абдураҳмонов ва С.Мамажонов) ёзган дарслик 2002 йилда нашр этилди. Ҳозир бу курслар ўтилмапти. Савол туғилади: бундан 10—15 йил аввал ўқиган талабалар учун ўзбек тили ва адабиёти зарур бўлгану ҳозиргилар учун керак эмасми?

Тил ва адабиёт масаласи миллиат тақдирига бевосита дахлдор. Кейинги йилларда давлат тилида иш юритиш бўйича қатор муаммолар вужудга келаяётгани шу каби сабабларга боғлиқ.

Ўқитувчи қайси фандан дарс бермасин, фикрини

цей ёки коллежда ҳаётда қўллаш учун зарур билимга эга бўлади. Қолаверса, математик саводхонлик умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув режасидаги барча фанларнинг таянч компетенциялари таркибидан ҳам ўрин олган. Филолог мутахассис тайёрлайдиган олий таълим йўналишида математика фани учун яна шунча соат ажратилиши ўринли эмас. Унинг ўрнига мутахассислик фанларини жорий этиш ёки соатларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Сўнгги 10—15 йилда етишиб чиққан филологларнинг аксарияти олий таълимда берилган билимлар касбий фаолиятида жуда асқотмаётганини таъкидлашмоқда.

Давр тақозосига кўра,



НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси азиз юртдошларимизни, мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни, чет эл элчихоналари ҳамда ваколатхоналари ходимларини




Бош Қомусимиз — Конституциямизнинг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Мамлакатимизнинг таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил амалга ошириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги шарафли меҳнатларингизда муваффақиятлар тилаймиз.



2017-yil 6-dekabr, № 97 (9058)

«Мовароуннахр» нашриёти, «Ҳидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси,
«muslim.uz» веб-портали жамоалари барча юртдошларимизни Ўзбекистон
Республикаси Конституциясининг
25 йиллиги байрами билан самимий қутлайди.
Яратгандан юртимизда шундай байрам тантаналари
бардавом бўлишини сўраймиз!



ОБУНА—2018



Ҳидоят

ИСЛОМ
НУРИ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Севимли нашрларингиз – «Ҳидоят» журнали, «Ислом нури» газетаси ва уларнинг қорақалпоқ тилидаги иловалари («Ҳидоят», «Ислам нури») йилдан-йилга мазмунан бой, шаклан чиройли бўлиб, обуначилари тобора кўпайиб бормоқда.

Азиз ватандошлар! Ўзингизни, оила аъзоларингизни илм-маърифат нуридан бебаҳра қолдирманг! «Маърифат улашиш – энг эзгу амал» шиорини маҳкам тутайлик.

Нашрларимизга обуна бўлинг!



@muslimuzportal

@hidoyatuz

Йиллик ОБУНА БАҲОСИ:
(масжидлар орқали)

«ҲИДОЯТ» – 45 000 сўм;
«ИСЛОМ НУРИ» – 36 000 сўм.

Қорақалпоқ тилидаги иловалар:

«ҲИДАЯТ» – 25 000 сўм; «ИСЛАМ НУРИ» – 18 000 сўм.

Манзилимиз: 100002, Тошкент шаҳри, Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй. Электрон почта: m-nashr@mail.ru.

Мурожаат учун телефон рақамлари: (0 371) 227-34-30; (0 371) 240-08-23

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги "Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида таълим ва тиббиёт муассасаларида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг янги тизими яратилмоқда. Мазкур қарорга биноан умумий ўрта таълим муассасаларида индивидуал тарзда фаолият

юритиб келаётган бухгалтерия хизмати фаолияти тугатилиб, туман (шаҳар) халқ таълими муассасаларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида шу йил 31 октябрда Халқ таълими вазирлигининг "Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш

ҳақида"ги буйруғи қабул қилинди. Низом асосида халқ таълими муассасаларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти тартибга солиниб, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати фаолиятини ташкил этиш, унинг вазифалари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари белгилаб берилган.

Куйида мазкур низоми эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Rasmiy bo'lim

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг
2017 йил 31 октябрдаги 346-сон буйруғига илова

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сонли "Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари (кейинги ўринларда марказлашган бухгалтерия деб юритилади) фаолиятини тартибга солиди.

2. Марказлашган бухгалтерия туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг таркибий тузилмасида мустақил тузилмавий бўлимига ҳисобланиб, унинг фаолияти таълим муассасаларининг кейинги йил учун, педагог ходимлар тарификациясини ҳисобга олган ҳолда таълим муассасалари жамланма бюджет сўровини шакллантириш, штат жадвали, харажатлар сметасини тузиш ва ижроси бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини марказлашган ҳолда ташкил этиш, ҳисоб-китоб ишларига замонавий ҳисоблашнинг автоматлаштирилган УЗАСБО дастури кенг татбиқ этиш, ҳисоблашнинг илгор шакл ва усулларини жорий этиш, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилади.

3. Марказлашган бухгалтериянинг умумий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

2-боб. Марказлашган бухгалтериянинг вазифа ва функциялари

4. Куйидагилар марказлашган бухгалтериянинг асосий вазифа ва функциялари ҳисобланади:

туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ва марказлашган бухгалтерия томонидан хизмат кўрсатиладиган муассасалар штат жадвалларини ва харажатлар сметаларини бюджетдан ажратилмаган маблағлар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантириш ва тасдиқлаш учун халқ таълими бўлими мудирига киритиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш учун ҳудудий молия органига тақдим қилиш;

бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини шакллантириш, тасдиқлаш; штат жадваллари ва харажатлар сметаларини, шунингдек, даромадлар ва харажатлар сметаларини автоматлаштирилган УЗАСБО дастурига ҳар бир ташкилот кесимида киритиш, электрон жамлаш;

харажатлар сметаларида назарда тутилган бюджетдан ажратилмаган маблағларни, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағларни мўлжалланган мақсадга мувофиқ тасарруф этиш;

бюджетдан ажратилмаган маблағлар доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномадор тузиш, ҳар бир муассасанинг эҳтиёжи (талаб)дан келиб чи-

қиб, харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида товар (иш, хизмат)лар харидини амалга ошириш;

бюджетдан ажратилмаган ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятларни ижросини таъминлаш мақсадида газначилик бўлимларига рўйхатдан ўтказиш учун киритиш;

тасдиқланган харажатлар сметаларига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш. Бунда, киритилаётган ўзгартиришларнинг асослари (бир муассасадан бошқа муассасага ёки бир харажат туридан бошқа харажат турига ўтказилаётган маблағлар учун ҳисоб-китоблар) илова қилинган ҳолда молия органларига тақдимнома киритилиши талаб қилинади;

белгиланган тартибда штат жадвалларига ўзгартиришлар киритиш;

бюджетдан ажратилмаган маблағлар, бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан уларнинг фаолият йўналиши бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) сотишдан тушадиган даромадлар тушуми ва уларнинг сарфланиши бўйича бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

бюджет ҳисоби сиёсати "1-сонли ҳисоб сиёсати" талаблари доирасида юритилишини таъминлаш;

тегишли давр учун молиявий ҳисоботларни тузиш ва молиявий ҳисоботларни тегишли ҳудудий молия органига тақдим этиш;

бухгалтерия ҳисобини мазкур низомига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилган ҳолда юритиш, шунингдек, ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳар бир ташкилот кесимида юритилиши ташкил этиш;

бухгалтерия ҳужжатлари ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини назорат қилиш;

ҳар бир муассасанинг пул маблағлари, ҳисоб-китоб ва моддий қимматликлар, шунингдек, бошқа активлар ва мажбуриятлар инвентаризациясини ўтказиш, инвентаризация натижалари тўғри расмийлаштирилиши ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини таъминлаш;

пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг сақланишини назорат қилиш;

ҳар бир муассасада мавжуд моддий қимматликларнинг сақланиши ва ишлатилиши бўйича масъул этиб белгиланган шахсларга, улар жавобгарлигида бўлган инвентарлар ҳисоби ҳамда сақланиши юзасидан зарур кўрсатмалар бериш;

моддий қимматликларни олиш учун берилган ишончномадор ҳисобини юритиш ва улардан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш;

бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари, харажатлар сметаси ва уларнинг иловалари, шунингдек, бюджет ташкилотлари молиявий фаолиятига оид бошқа ҳужжатлар ҳисобини ҳар бир муассаса кесимида алоҳида юритиш ва сақланишини таъминлаш;

муддати ўтган дебиторлик ва кре-

диторлик қарзларга йўл қўймаслик мақсадида тегишли ҳужжатларни судларга, газначилик бўлимларига ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

бюджет ижроси жараёнида бўшаб қолган бюджет маблағларини мақбуллаштириш бўйича халқ таълими бўлимлари номидан ҳудудий молия органларига тақлифлар киритиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа вазифа ва функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-боб. Марказлашган бухгалтериянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

5. Марказлашган бухгалтерия ўз ваколатлари доирасида унга юклатилган вазифа ва функцияларни бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

бюджет жараёнини тартибга солиш ҳамда ҳисоб-молиявий муносабатларни вужудга келишига олиб келувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида халқ таълими, молия, газначилик ва бошқа органлардан олиш;

ҳисоб-молиявий ҳужжатларни шакллантиришга асос бўлувчи маълумотларни хизмат кўрсатувчи бюджет ташкилотларидан талаб қилиш, мазкур ҳужжатлар мuddатда тақдим этилма-са, тегишли бюджет ташкилотини бу ҳақда огоҳлантирган ҳолда уларга нисбатан ваколати доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни қўллаш;

ҳудудий давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари ҳамда ташкилотлардан бюджет сўровини шакллантириш учун зарур бўладиган маълумотларни ва материалларни олиш;

бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассасанинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасини шакллантириш; давлат харидларини амалга ошириш жараёнида мавжуд бозор инфратузилмаси объектларидан қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш.

Марказлашган бухгалтерия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Марказлашган бухгалтерия куйидаларга жавобгардир:

бюджет ҳисоби ва ҳисоботи нотўғри юритилиб, натижада тартибсиз ҳолатга келиб қолиши, молиявий ҳисоботлар бузилиши (нотўғри тузилиши); пул маблағлари, товар-моддий ва бошқа қимматликларни қирим қилиш, сақлаш ва сарфлаш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга зид операциялар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиши ва ижрога қабул қилиниши;

Шахсий газна ҳисобварақларидаги пул маблағлари бўйича операциялар бажарилиши учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатларнинг кечиктириб тақдим этилиши, шунингдек, товар (иш, хизмат) етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар кечикиб ёки нотўғри амалга оширилиши ҳисобида мuddати ўтган дебитор ва кредитор қарзлар юзига келиши;

аниқланган камомадларни, мuddати

ўтган дебиторлик қарзларни ва бошқа йўқотишларнинг бухгалтерия ҳисобидан асосиз чиқарилиши;

бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилиши.

4-боб. Марказлашган бухгалтерия фаолиятини ташкил этиш

7. Марказлашган бухгалтерия ўз фаолиятини хизмат кўрсатаётган таълим муассасалари, молия бўлими, газначилик бўлимига, бошқа давлат ҳамда ҳўжалик бошқарув органлари, жамoат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

8. Марказлашган бухгалтерияни сақлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари бюджетдан ажратилмаган маблағлар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари (халқ таълими бўлими тасарруфидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бундан мустасно) ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа жамбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Марказлашган бухгалтерия ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари билан келишган ҳолда тасдиқланадиган намунавий штатлар асосида белгиланади.

10. Марказлашган бухгалтериянинг бош бухгалтерия ва бош иқтисодчиси Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ҳамда Молия бош бошқармаларининг келишилган тавсиясига кўра туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудир томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда лавозимига тайинланади ва лавозимидан овоз қилинади.

Марказлашган бухгалтерия ходимлари бош бухгалтер тавсиясига кўра, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудир томонидан туман (шаҳар) молия бўлими билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан овоз қилинади.

11. Марказлашган бухгалтериянинг бош бухгалтерия:

иктисод йўналишида олий маълумотга эга бўлиши;

олий иқтисодий маълумотга эга бўлган ҳолда, охириги беш календар йилидан камида уч йил молия органларида ишлаган ёки бюджет ташкилотларида бухгалтер, иқтисодчи лавозимига фаолият юритган бўлиши керак.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бош ҳисобчи лавозимига тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар, ушбу лавозимга тайинланиши мумкин эмас.

(Давоми 11-бетда.)

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари тўғрисида НИЗОМ

(Давоми. Боши 10-бетда.)

12. Бош бухгалтер марказлашган бухгалтерия фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади ва халқ таълими бўлимининг мудирига буйсунади ҳамда унга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади;

марказлашган бухгалтерия ходимларининг лавозимларига қараб улар ўртасида вазибаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди;

ташкilot томонидан амалга оширилган ҳамма хўжалик операцияларининг назорати ва бухгалтерия ҳисоби сўчтларида қайд қилиниши, тезкор ахборотлар тақдим қилиш ва белгиланган муддатларда бухгалтерия ҳисоботини тузишни таъминлайди;

марказлашган бухгалтерия ходимларининг бюджет интизомига риоя қилиши ва тежамкорлик режимига амал қилиши устидан назорат олиб боради.

Бош бухгалтер қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

13. Бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар (жумладан, ота-оналар тўловидан тушумлар) бўйича қуйидаги ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи туман(шаҳар) халқ таълими бўлими мудирини (ёки унинг ваколати берилган бошқа шахс), иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи марказлашган бухгалтерия бош бухгалтери (бош бухгалтер бўлмаганда унинг ўринбосари)га берилади ва имзолар туман(шаҳар) халқ таълими бўлимининг муҳри билан тасдиқланади;

марказлашган бухгалтерияда бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (ғазна, банк ҳужжатлари, тўлов топшириқномалари ва чеклар, шартномалар, шунингдек, кирим, чиқим касса ордерлари ҳамда иш ҳақи бўйича тўлов қайдномалар, ишончномалар ва бошқалар);

пул, товар-моддий ва бошқа қимматбахо буюмларни бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ва шу билан бирга, марказлашган бухгалтерия хизмат кўрсатадиган муассасаларнинг ҳисоб-китоб мажбуриятларини ўзгартирадиган бошқа молиявий ҳужжатлар.

14. Марказлашган бухгалтерия томонидан хизмат кўрсатиладиган бarcha муассасаларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари фақатгина тегишли муассаса биринчи раҳбарининг ёзма талабномаси асосида сарфланади.

Ушбу ёзма талабномага асосан шакллантирилган тўлов ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи халқ таълими бўлими мудирини (ёки унинг ваколати берилган бошқа шахс)га, иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи марказлашган бухгалтерия бош бухгалтери (бош бухгалтер бўлмаганда унинг ўринбосари)га берилади ва имзолар туман(шаҳар) халқ таълими бўлимининг муҳри билан тасдиқланади.

Марказлашган бухгалтерия томонидан хизмат кўрсатиладиган бarcha муассасаларга бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ички ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисоб-китобларни юритиш учун бухгалтер лавозими сақлашига рўхсат берилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган бухгалтер лавозимининг лавозим мажбуриятлари туман(шаҳар) марказлашган бухгалтерия хизмати билан келишилган ҳолда таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади ва назорат қилиб борилади.

Таълим муассасаларида қонуний бюджетдан ташқари маблағларни топиш ва уни сарфлашига бошқа ваколатли органларнинг, шу жумладан, туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

15. Марказлашган бухгалтерия бош бухгалтери туман(шаҳар) халқ таълими бўлими мудирини билан бир қаторда қуйидаги ҳолатлар юзасидан:

молия-хўжалик фаолиятини тартибга соладиган низоми ва қондаларнинг бузилиши;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлат молиявий назорат органларининг қарорига асосан мансабдор шахслардан ундириладиган пул маблағларининг ўз вақтида ундирилмаслиги;

ойлик, чораклик ва йиллик бюджет ҳисоботи ва балансини тегишли органларга тақдим этиш муддатининг бузилиши.

Марказлашган бухгалтериянинг бош бухгалтери ва бошқа ходимлари бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар.

16. Марказлашган бухгалтерия томонидан хизмат кўрсатиладиган муассасалар раҳбарлари зиммасида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар сақланиб қолади:

ўз фаолияти бўйича товар (иш, хизмат) сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш;

муассасаларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларини тасарруф этиш;

ҳодимлар билан меҳнат шартномасини тузиш, бекор қилиш ва меҳнат шартномаларига ўзгартиришлар киритиш;

муассаса эҳтиёжлари учун белгиланган метрларга мувофиқ материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликларни сарфлаш;

муассаса эҳтиёжлари учун зарур бўлган товар (иш, хизмат)лар сўровномаларини марказлашган молия-бухгалтерия хизматида тақдим этиш; иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби ва иш ҳақини ҳисоблаш таблицини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдор шахсларнинг аванс ҳисоботлари, инвентаризация ҳужжатлари, яроқсиз ҳолга келган асосий воситалар ва бошқа моддий қимматликларнинг ҳисобдан чиқариш далолатномаларини тасдиқлаш;

бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларидан келиб чиққан ҳолда муассаса учун ажратилган маблағларнинг умумий ҳажмидан келиб чиқиб, муассасанинг харажатлар сметасини марказлашган бухгалтерия бош иқтисодчиси билан биргаликда шакллантириш;

жорий молия йилида муассасани сақлаш учун бюджетдан ажратилган маблағлар (иқтисодий тасниф асосида) ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисида марказлашган бухгалтериядан, жумладан УзАСБО дастурий мажмуаси орқали электрон шаклда маълумотларни олиш;

марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан харид қилинган товар (иш, хизмат)ларни муассасага қабул қилишда уларнинг сифати ва тўлиқлиги сўровномада ва юк хати (накладной)да кўрсатилган кўрсаткичларга тўғри келишини назорат қилиш;

муассасанинг коммунал хизматлар бўйича харажатларининг ушбу мақсадлар учун қўзда тутилган маблағлар ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкilotлар билан тузилган шартномаларда белгиланган лимитлар доирасида сарфланишини назорат қилиш; коммунал хизматлар бўйича ўлчов асбобларининг мавжудлиги ва уларнинг созлиги бўйича назорат ўрнатиш ҳамда уларнинг кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларнинг ҳар ойда марказлашган бухгалтерияга тақдим этилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ муассасанинг молия-хўжалик фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни ҳал қилиш.

5-боб. Марказлашган бухгалтериянинг хизмат кўрсатиладиган муассасалар, шунингдек, жараённинг бошқа иштирокчилари билан муносабатлари

17. Бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари имзоси билан тасдиқланмаган молиявий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ижро учун қабул қилинмайди.

18. Марказлашган бухгалтериянинг хизмат кўрсатиладиган муассасалар билан муносабатлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

хизмат кўрсатиладиган муассасаларнинг раҳбарлари бухгалтерия ҳисоби ва назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар, жумладан ходимларни лавозимига тайинлаш, мукофот, моддий ёрдам ва устамалар тайинлаш ва шу каби бошқа молиявий масалаларни акс эттирган буйруқлар, қарорлар, фармойишлар, келишувлар, шунингдек, бошқа ҳужжатларни марказлашган бухгалтерияга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этилиши;

марказлашган бухгалтерияга тақдим этилган бирламчи ҳужжатларнинг (буйруқлар, табеллар ва бошқа ҳужжатлар) ҳаққонийлиги ва ўз вақтида тақдим этилишига ҳар бир муассаса раҳбари жавобгардир;

марказлашган бухгалтерия билан алоқаларни хизмат кўрсатиладиган муассаса раҳбаридан ташқари, унинг ўринбосарлари, хўжалик мудирини, котиба, лаборант, ўқув кабинетларига, ўқув таърибга участкаларига раҳбарлик қилиш юклатилган шахслар ҳамда айрим тадбирларни ўтказишга жавобгар деб белгиланган шахслар олиб боришлари мумкин;

марказлашган бухгалтерия хизмат кўрсатиладиган муассасаларнинг марказлашган бухгалтерия билан муносабатга киришадиган ходимларига бирламчи ҳужжатларни тўғри ва аниқ тўлдириш, расмийлаштириш ҳамда муассасанинг меҳнат келишувлари, асосий воситалар ҳамда моддий қийматликларини рўйхатдан чиқариш далолатномалари, амбор ҳисоби дафтлари, инвентаризация ёзувлари ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлаш бўйича мунтазам равишда кўрсатма бериб боради;

марказлашган бухгалтериянинг бош бухгалтери ва хизмат кўрсатиладиган муассасалар ўртасидаги келишмовчиликлар туман(шаҳар) халқ таълими бўлими раҳбари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

19. Марказлашган бухгалтерия бош бухгалтери хизмат кўрсатиладиган муассаса раҳбари билан биргаликда қуйидагиларни назорат қилиши шарт:

товар-моддий қийматликларни қабул қилиш ва топширилишини расмийлаштиришда белгиланган қондаларга риоя этилишини;

меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тўғри сарфланиши, лавозим маошларининг тўғри белгиланиши, штат, молия ва касса интизомига қатъий риоя этилишини;

умумтаълим мактабларининг директор жамғармасидан устама ва мукофотларни тайинлаш ва тўлашнинг мақсадлилиги ҳамда муассаса фаолиятининг натижавийлигига қаратилганлиги таъминланишини;

ҳомилдорлик ва туғиш нафақаларини тайинлаш ва тўлашда бирламчи ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш;

пул маблағлари, товар-моддий қийматликлар, асосий фондларни инвентаризация қилишда, ҳисоб-китоблар ва тўлов мажбуриятларини бажаришда белгиланган қондаларга риоя этилишини;

марказлашган бухгалтерия фаолиятини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан қонун ҳужжатлари-

да таъқиқланмаган бошқа ваколатлардан фойдаланади.

20. Марказлашган бухгалтериянинг туман(шаҳар) молия бўлими билан муносабатлари қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Молия бўлими: келгуси молия йилига бюджет сўровини тузиш тартибинини юборди; келгуси молия йилига тузилган бюджет сўровини қўриб чиқади;

марказлашган бухгалтерия томонидан хизмат кўрсатиладиган бюджет ташкilotлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини етказди;

марказлашган бухгалтерия томонидан тақдим этилган жамланма харажатлар сметалари ва жамланма штат жадвалларини рўйхатдан ўтказди; харажатлар сметаларига киритиладиган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказди;

Молия вазирлиги ахборот тизимига тегишли ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатлари киритилишини таъминлайди;

Бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа муносабатларни амалга оширади.

б) Марказлашган бухгалтерия: келгуси молия йилига хизмат кўрсатиладиган бюджет ташкilotларининг бюджет сўровини тузади;

хизмат кўрсатиладиган бюджет ташкilotларининг харажатлар сметалари ва штат жадваллари тузиб, тасдиқланган сўғ жамланма харажатлар сметалари ва штат жадвалларини бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ҳудудий молия органига киритади;

Бюджет жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва ҳисоботларни ҳудудий молия органларига ўз вақтида ва тўлиқ тақдим қилади; ҳудудий молия органларига бюджет ижроси жараёнида юзага келадиган молиявий масалалар бўйича тақдимномалар, таҳлиллар, ҳисоботлар ва бош ҳужжатларни тегишлилигига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этади;

Бюджет жараёни билан боғлиқ бошқа фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳудудий молия органлари билан доимий ҳамкорликда амалга оширади.

21. Марказлашган бухгалтериянинг туман(шаҳар) газначилик бўлимининг билан муносабатлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Газначилик бўлимининг: тақдим этилган юридик ва молиявий мажбуриятларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди ва тақдим этилган тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловларни амалга оширади;

марказлашган бухгалтерия сўровига мувофиқ бюджет ҳисобини юритиш учун зарур бўладиган маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этади; қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ўзаро алоқаларни таъминлайди. давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ касса операцияларини амалга оширади;

б) Марказлашган бухгалтерия: хизмат кўрсатадиган бюджет ташкilotларини сақлаш ва моддий таъминоти бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатдан ўтказиш учун газначилик бўлиминингга киритади;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича сўровномаларни шакллантиради ва газначилик бўлиминингга киритади;

харажатларни амалга ошириш учун тўлов ҳужжатларини газначилик бўлиминингга ўз вақтида тақдим қилади.

6-боб. Яқуний қондалар

22. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

23. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустақамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 1 ноябрдаги 3365-сонли Қарори ва Фанлар академияси президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги 5-291-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ўзининг илмий тадқиқотлари фаолиятида ишлатилиши учун харид қилинадиган асбоб-ускуна, материаллар ва бутловчи қисмларга

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

8526912000	GPS навигатор Garmin Etrex 30x
9011800000	Микроскоп Бинокляр MOTIC SMZ-171 или МИКРОМЕД
8418509000	Холодильник с камерами для -20°C и -40°C
9032102000	Термостат электрический сушевоздушный TC-1/80 СПУ (электронный)
8525803000	Фотоаппарат зеркальный цифровой CANON EOS 70D Kit EF-S 18-135 mm IS STM
8702903190	Автомобиль УАЗ 2206 (микроавтобус для перевозки 10 человек)
8414600000	Ламинар (шкаф вытяжной, горизонтальный размер не более 120см)
9011209000	Микроскоп Мс300 S/Ts Тринокулярный Цифровой Usb Микроскоп С Системой Визуализации Видеокамерой Ccd 5,6 Мп И Специальной Программой Дианел-Микро +Масляный Темнопольный Конденсор +0,01мм Микрометр
9027500000	Люксметр «ТКА-ПКМ»(05)
9025192000	Термометр щуп TP101
8419200000	Стерилизатор (автоклав) паровой ВК-75-01
8419400009	Дистиллятор
8419899890	Баня водяная с микропроцессорным управлением до 95°C Memmert WNB
9027801700	Анализатор генетический ABI PRISM 3500 xl (24 капилляра дл. 36 или 50 см)
8504408209	Источник питания для электрофореза с 4 разъемами
9011800000	Конфокальный лазерный сканирующий микроскоп
8418408009	Морозильник (-40°C) (вертикальный, более 250 л, но не более 900 л)
8419899890	ПЦР амплификатор реального времени LightCycler® 480 в комплекте
9027200000	Системы для горизонтального электрофореза малого, среднего и большого формата с аксессуарами
9027300000	Спектрофотометр NanoDrop 2000°C
8419899890	Фитотрон - климатическая камера с регистратором температуры и влажности WTH-5100
8421192009	Центрифуга (с охлаждением, 25000 тыс/об) с комплектом роторов на разные объемы PC-6
8421192009	Центрифуга для центрифугирования плашек с 48 и 96 ячейками
8421192009	Центрифуга микро с холодильником, настольная ротором на 1,5-2 мл пробирки Эппендорфа, 14000 об/мин
8421192009	Центрифуга ультра (90000 об/мин с комплектом роторов на разные объемы) (Thermo Scientific, Sorvall WX Ultra\Beckman Coulter Optima L-90K \ Hitachi, CP-90NX)
8432291000	Мотоблок-культиватор WEIFANG LUWEI 3TG-6YP (в комплекте 18 приспособлений)
8445190001	Джин валичный 1ДВ-М-10.
9011800000	Микроскоп цифровой Levenhuk D70L, монокулярный
9027901000	Микротом замораживающий МЗ-2
8418690009	Замораживающий столик к микротому
3822000000	Хим. реактив dNTP solutions set contains 10 mM each of dATP, dCTP, dGTP, dTTP (0.25ml of each dNTP), набор растворов dNTP содержит по dATP, dCTP, dGTP, dTTP (0.25мл dNTP) - 306
Комплекующие материалы для генетического биоанализатора ABI PRISM 3500 xl состоят из:	
3822000000	Денатурирующие полимеры, капилляры
3822000000	Наборы реагентов, матричные стандарты для фрагментного анализа
3822000000	Сиквенсные и матричные стандарты для сиквенирования ДНК
8471490000	Компьютер
8523495900	Программное обеспечение (диск записанный)
3926909707	Расходные материалы: пластиковые лабораторные посуды
Реагенты для анализа	
2922198500	ТРИС
2903130000	Chloroform
2905190000	Iso Amyl Alcohol
3913900000	Agarose
2933998000	Ethidium bromide
2922498500	EDTA (EthylenediaminetetraAcetic acid Di-sodium salt)
2923900000	CTAB (Hexadecyl trimethyl-ammonium bromide)
3507909000	RNAse
3822000000	Ladder for agarose gel (DNA detect)
3822000000	DNA extraction DNA Qiagen plant mini kit
3822000000	DNA purification Qiagen plant mini kit
3822000000	AccuPower PCR premix
3203009000	Carmin (красящее вещества)
2806100000	Hcl (хлорид водорода)
2902410000	Ксилал (о-ксилал)
2902300000	Толуол
1301900000	Канадский бальзам

Мурожаат учун манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. ЎзРФА Ботаника институти.
Тел/факс: 262-37-95, 262-37-89, 262-79-38; E-mail: botany@academy.uz

**Алишер Навоий
номидаги
Тошкент давлат
Ўзбек тили ва
адабиёти универ-
ситети педагог-
ходимлар, до-
цент, катта
Ўқитувчи, Ўқитув-
чи лавозимларига
Танлов
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

— Ўзбек тилшунослиги;
— Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик;
— Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедралари доцентлигига.
— Ўзбек тилини ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчилигига.
— Инглиз филологияси кафедралари ўқитувчилигига.

**Танловда қатнашиш
учун куйидаги ҳужжатлар
тақдим этилиши лозим:**

1. Ректор номига ариза.
2. Ишловчининг шахсий варақаси.
3. Маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари.
4. Паспорт нусхаси.
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда).
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон матбуотда чоп этилган сандан бошлаб 20 кун муддатда қабул қилинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри,
Яккасарой тумани,
Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси
103-уй. ТошДўТАУ
ҳодимлар бўлими.
Тел.: (+99890)127-50-82**

Жиззах вилояти халқ таълими ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти жамоаси «Педагогика, психология ва таълим менежменти» кафедраси катта ўқитувчиси

Гулшод НАБИРАЕВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси университетнинг Математика факультети "Геометрия ва топология" кафедраси профессори Машрабжон Маматовга укаси

Ҳамдамжон МАМАТОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

2017-yil 6-dekabr, № 97 (9058)

«iPHONE X» ЁШ БОЛАГА АЛДАНДИ

АҚШда 10 ёшли бола онасининг «Face ID», яъни юзни таниш тизими орқали блокланган «iPhone X» смартфонини ўз чехраси ёрдамида очишга муваффақ бўлди. Мазкур воқеликка доир лавҳа «YouTube» манбасида кўплаб томошабинлар эътиборини тортди.

Гап шундаки, «Apple» компанияси жорий йилнинг 12 сентябридан янги русумдаги «iPhone X» смартфонини сотувга чиқарганди.

Смартфоннинг энг муҳим хусусиятларидан бири сифатида айнан «Face ID» тизими эътироф этилиб, шов-шувга сабаб бўлганди. Бироқ кўп ўтмай, ёш бола илк уринишдаёқ компания махсулотидagi камчиликни фож этди.

Аслида «Face ID» фақат битта, яъни қурилма соҳибининг юзинигина таниши ва биометрик маълумот сифатида сақлаб қолиши лозим эди. Бу эса тобора смартфонларга

боғланиб қолиб, барча сир-асрорини унга ишонаётганлар учун айни муддао эди. Аммо кўриниб турганидек, компания махсулоти мижозларнинг мазкур талабини қондирилмас экан.

Бундан олдин ҳам кўплаб манбаларда смартфонлардаги «Face ID» тизими ака-ука, опа-сингил ёки бир-бирига ўхшаш ота-бола ёхуд она-болаларнинг чехрасини адаштириб юбориши ҳақида далиллар келтирилган, мавзуга доир видеороликлар пайдо бўлганди. Бу эса тизим жиддий тақомиллаштиришга муҳтожлигини англатади.

МИЯ ИМПЛАНТИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Жанубий Калифорния университети олимлари электростимуляция ёрдамида хотирани мустаҳкамлашга хизмат қилувчи мия имплантини тажрибадан ўтказди. Бу ҳақда «New Scientist» манбасида хабар бермоқда.

Имплант дастлаб 20 нафар кўнгилли иштирокида синовдан ўтказилди.



Тадқиқотчилар уларга ҳар хил рангдаги геометрик шакллар жамланмасидан иборат видеороликни кўйиб берди. 75 сониядан сўнг улар қандай шакллар кўргани ҳақида сўралди. Тажриба натижасига кўра, имплант ёрдамида миянинг эслаш қобилияти 30 фоизга яхшиланиши ўз тасдиғини топди.



Олимлар ушбу топилмани «протез хотира» деб атамоқда. Тадқиқот муаллифи Донг Сонгнинг айтишича, нейроимплант келажакда янада тақомиллаштирилиб, хотирани мустаҳкамлашдан ташқари, кўриш қобилиyatини яхшилашга ҳам хизмат қилиши мумкин.

ҲАР ЖИҲАТДАН ҲАМЁНБОП СМАРТФОН

Япониянинг «FutureModel» компанияси ҳажми кредит картасидан кичикроқ (90x50 миллиметр) бўлган «NichePhone-S Android» смартфонини сотувга чиқарди, деб ёзди «Business Insider».

Қурилма корпусининг қалиنлиги 6,5 мм, оғирлиги эса атиги 38 граммни ташкил этади. У 2 ядрели «MediaTek MT6572A» процессори билан таъминланган. 550 мА/соат сизимли батареяга эга.

Ишлаб чиқарувчилар берган маълумотга кўра, бу батарея смартфон 72 соат, яъни 3 сутка ишлаши учун қифоя қилади. Шунингдек, 3 соат узлуксиз гаплашиш мумкин. «Android 4.2» операция тизими киритилган ушбу митти смартфон «Bluetooth», «3G», «LTE» ва модем режимини ҳам ўзда жамлаган.

Кўринишидан мини калькуляторни эслатадиган бу смартфон чўнтак ёки ҳамёнга солиб юриш учун жуда қулай.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА тайёрлади.



реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

Мадрахимова Феруза Рузимбаеванинг 09.00.04 — Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича «Глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» таҳдидларининг олдини олиш масалалари» мавзусидаги (фалсафа фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 15 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.

Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: rector@nuu.uz

Салаев Нодирбек Сапарбаевичнинг 12.00.08 — Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижро ҳуқуқи ихтисослиги бўйича «Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самардорлигини ошириш» мавзусидаги (юримдик фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат юримдик университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 14 декабрь кuni соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

Тел/факс: (0-371) 233-66-36, 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz

Бабаджанов Ойбек Абдужабборовичнинг 14.00.11 — Дерматология ва венерология ихтисослиги бўйича «Розацеа билан оғриган беморларда клиник-микробиологик параллеллар ва комплекс даволаш усулини тақомиллаштириш» мавзусидаги (тиббий фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент педиатрия тиббий институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 18 декабрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Богшиамол кўчаси, 223-уй.

Тел/факс: (0-371) 262-33-14; e-mail: tashpmi@gmail.com

Амиров Лочибек Файзуллаевичнинг 08.00.13 — Менежмент ихтисослиги бўйича «Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини тақомиллаштириш» мавзусидаги (иқтисодиёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 12 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислол Каримов кўчаси, 49-уй.

Тел/факс: (0-371) 232-64-21, 232-60-03, 239-01-49.

Машарипова Тамара Жолдасбаеванинг 10.00.09 — Журналистика ихтисослиги бўйича «Публицистика назариясида асарнинг мазмуни ва шакли муаммолари» (Қорақалпоғистон Республикаси матбуоти материаллари мисолида) мавзусидаги (филология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгаши асосидаги бир марталик илмий кенгашининг 2017 йил 15 декабрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 16-уй.

Тел/факс: (0-371) 233-34-24, 233-52-24; e-mail: z.teshaboeva@mail.ru

Усмонов Камол Хошим ўғлининг 09.00.02 — Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси ихтисослиги бўйича «Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг талқини» мавзусидаги (фалсафа фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 15 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.

Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24;

e-mail: rector@nuu.uz

Холмурадова Лейла Эшқуватованинг 10.00.06 — Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича «Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (лингвомаданий аспект)» мавзусидаги (филология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 16 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 16-уй.

Тел/факс: (0-371) 233-34-24, 233-52-24.

Тешабоева Зиёдахон Қодированинг 10.00.06 — Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари» мавзусидаги (филология фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 16 декабрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 16-уй.

Тел/факс: (0-371) 233-34-24, 233-52-24; e-mail: z.teshaboeva@mail.ru

Султанов Акбар Анварджановичнинг 08.00.13 — Менежмент ихтисослиги бўйича «Тўқимаччилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқариш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги (иқтисодиёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2017 йил 12 декабрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислол Каримов кўчаси, 49-уй.

Тел/факс: (0-371) 232-64-21, 232-60-03, 239-01-49;

e-mail: akbar.sultonov@mail.ru

Рус тили дarsi ўқитилишини таҳлил қилиб чиққан текширувчи камчиликлар тўғрисида, аниқроғи, педкенашдаги сўзи ҳақида ўйлар эди. Уйдан зеркиди чоғи, қий-чуо қилиб ўйнаётган болалар томон назар ташлади. Кизчалар «ҳаккалак», ўғил болалар қувлашмочоқ билан банд. Икки ўқувчи эса ўтган рус тили дarsi бўйича мунозара қилмоқда.

— Муштук сўзини ўқитувчимиз доскага нотўғри ёзди. Мен луғат билан солиштириб кўрдим.

— Текширувчини кўриб довадираб қолган бўлса керак.

— Ҳа, кўп хато ёзади. Мен билиб турман...

Текширувчи ён дафтарчасини очиб, 12 рақами остидан 13-қилиб «Муштук» сўзини ёзиб қўйди-да, хазиана топгандек хурсанд ҳолда «Ўқитувчилар хонаси» томон шитоб билан юрди.

Дарслар тугаб, мактаб ҳувиллаб қолди. Фақат «Ўқитувчилар хонаси»да гала-говур.

— Ўқитувчилар 9-«А» синф хонасига тўпланишсин, — илмий бўлим мудирига буюрди директор. — Педкенашни ўша ерда ўтказамиз.

Кенгашда навбатма-навбат сўзга чиққан текширувчилар ўзлари таҳлил қилган дарсларнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида гапирдилар.

— Мен қоникмадим, — куюниб гап бошлади рус тили дарсини таҳлил қилган текширувчи.

— Мана, масалан, — далилларга мурожаат этди у, — тўртинчи синфда «Книга для чтения»дан дарс ўтган ўқитувчи ҳатто саломлашиш сўзи қандай талаффуз қилинишини билмайдди. «Здравствуйте» дейиш ўрнига «Издирствуйте» деди. Арслонов Қодирнинг дарсини шундан қўйиб олаверинглар. Ҳў-ўш, юқори синфлар, — гапини давом эттирди текширувчи, — рус тилида бемалол гаплаша олишлари керак. Ваҳоланки, ўқувчилар гапирши у ёқда турсин, тез-тез такрорланадиган сўзларни ҳам билмайдди. Алимбеков Аширбек деган ўқувчига, — деди қўлидаги дафтарчасини стол устига қўйиб, — «хорошо», «спасибо», «срочный», «пожалуйста», «маяк» сўзларини ўқитганимда

Мирмўмин аканинг кўнглида бирор иш қилиш нияти тугилиб қолгани, тамом, зумда овозаси бутун қишлоққа ёйилади. Болалигида аллақердан унга андак мақтанчоқлик, андак шухратпарастлик касали юқиб қолган экан. Даволашмагани учун эндиликда сурункали тус олиб, тез-тез хуруж қилади. Раҳматли отанаси кўйган Мирмўмин исми ёнига «доврук» таърифнинг тиркаб айтилиши ҳам шундан.

Доврук акамиз анчадан бери ёлғиз ўғлини уйлантириш тараддудига тўшиб қолган. «Бир тўй берайки, довруғи тилларда дoston бўлсин», дейди у дўстларига мақтаниб.

— Ҳа, бале, — дея унинг сўзларини астойдил қуватлаган бўлишдаги томошаталаб дўстлар ҳам. — Ахир биттаю битта ўғлинг бўлса, топган-тутганинг, орзу-хавасингни шу ўғлинг учун қилсан-да. Бунинг устига қўли очикликда, саховатда яқин атрофда сенга етари йўқ.

Мирмўмин ака бундаин зўраки таърифлардан кейин мумдек эриб кетади-да, тагин хотамтойлиги ортади:

— Жалол қассоб кечаги мақтовли тўйида тўртта кўшиқчи олиб келганимиди?

— Шундай, шундай, — тасдиқлашади дўстлари.

— Унда мен бешта олиб келман.

— Зап иш бўлади-да!

— Кўрасизлар, даврабошиларнинг ҳам бир эмас, тўрттасини айтиб қўйганман. Бири ўзбек, бири рус, бири тожик, яна бири инглизчада гапирди.

— Балосан, — дея хайратланган бўлади дўстлари.

Шундай қилиб, Мирмўмин доврук тўй кунига қадар нуқул одамларнинг «оғзини очиб қўядиган» режалар тузиш билан овора бўлди. «Тўй учун энг ҳашаматли, ҳатто Боймурод бойваччанинг ҳам

Муштук

(Ҳажвия ўрнида)

бу сўзларни «харашў», «испацибо», «сурушни», «пажалиска», «маяк» деб талаффуз қилди. Ҳалимов Носир эса ўқувчисига сўзларни бузиб гапиргани учун танбех бермади. Хуллас, уч нафар рус тили ўқитувчисини жамоа олдида имтиҳон-синовдан ўтказиб, фикримга хулоса ясай қоламан.

Текширувчи шундай деган захоти «гуноҳкор»лар безовта бўла бошладилар. Бир-бирлари билан кўз уриштириб олгач, сочларига оқ оралагани ўрнидан турди.

— Имтиҳон бериш ёшидан ўтганми!

— Биргина сўзни ёздирмоқчиман, холос. Илтимос, ручка, қоғоз олинглар.

Ўқитувчиларнинг кўнгли жойига тушди ва текширувчига «Хў-ўш!» дегандек анграйиб турдилар.

— Яхшиси, доскага ёздира қоламан, — аҳдидан қайтди текширувчи. — Арслонов, чиқинг.

Қодир муаллим ажабланди. Гап кимга тегишлилигини билган бўлса-да, ўзини гўлликка солди.

— Мен-а?

— Ҳа, худди ўзингиз!

Оғир кўзғалиб, доскага чиққан Арслонов худди ўқувчидек текширувчининг оғзини пойлади.

— Ёзинг! Муштук!

Муаллимнинг жаҳли чиққандек бўлди.

— Бор-йўғи шу сўзини-я?

— Шугина, холос, — деди текширувчи.

Арслонов «М» харфини ёзиб, тўхтади. Ҳамкасбларига бурилиб қаради. Улар бошларини эгиб олган. Таваккал дедию ёзди-қўйди. «Муштук!».

Текширувчи ҳозир бўлганларга «Мана, кўрдиларингми?» дегандек қўлларини ёзиб, иккинчи ўқитувчини доскага чақирди.

— Носиров, навбат сизга... Сизам шу сўзини ёзинг.

Носиров бўрнинг тўрт томонини айлантириб, ўзига маъқул келган қиррасини топгач,

чиройли хуснихатда ёзди: «Муштук!».

Ўтирганлар чайқалиб олишди. Пичир-пичир кўпайди. Текширувчи ўқувчисига танбех бераётган ўқитувчидек рўқасининг орқаси билан столни тикиллатди. Кейин учинчи ўқитувчини доскага таклиф қилди.

— Мен ҳам шу сўзни ёзайми? — норози оҳангда сўради у текширувчидан. — Балким папирос, сигарет сўзларини...

— Йўқ! Фақат, «Муштук»ни.

Ўқитувчи ўзидан олдин доскага чиққан ҳамкасбларининг ёзуви нотўғрилигини уларнинг рўқий ҳолатидан сезиб, тамомила бошқача йўл тутди: «Муштук!».

Учинчи рус тили ўқитувчиси доскадаги ёзуви га бурилиб қарай-қарай, жойига бориб ўтирди. Бироздан сўнг текширувчи яна гап бошлади.

— «Муштук» сўзини уч нафар ўқитувчи уч хил ёзганидан мактабда рус тили ўқитилиши қай даражада эканлигини изоҳлаб ўтиришимга ҳожат йўқ. Тўғриси қандай ёзилишини кўрсатиб бериш билан ҳисоботимни яқунлайман.

Текширувчи шеърий қатордек тағма-тағ ёзилган «Муштук»ларга қараб олгач, ўзи ҳам бироз ўнғайсизланиб қолди. Жигарранг кастюмидаги оқ доғни чертиб йўқотгач, қатта харфлар билан ёзди: «Миштук!».

— Мана, — деди текширувчи бўр юққан бармоқларини латтага артиб, — билмасанглар, билиб олинглар.

Ўқитувчилар бир-бирини туртиб кулаётганидан хавотирга тушган текширувчи уларга қаради:

— Нима, нотўғри ёздимми?

— Ҳа, нотўғри!

Ўрнидан туриб доскага чиқаётган мусиқа ўқитувчисига ҳамма ажабланиш билан тикилиб қолди. У текширувчининг ёзувига эътибор бермай, бешинчи қатор қилиб ёзди: «Мундштук!».

Турсунбой БОЙМИРОВ

Қамаши тумани

уларга аталган эски ҳовлини таъмирлаб, хоналарни жиҳозлаб берамишман. Қандай аҳмоқона гап. Ҳовлининг «ремонт»и кейин ҳам бўлаверади. Ҳозир энг муҳими, обрў! Нодон, қовоқалла. Ҳе, сени

тими ёки ёлғондакам оғиз қимирлатяптими, билиб бўлмас, даврабошиларнинг азбаройи тўрт тилда тинмай лутф қилиши тўғрисида мехмонлар, ҳатто, ўзбек тилига ҳам зўрға тушунишди. Мирмўмин

Зўраки дабдаба

ёхуд Мирмўмин довруқнинг оёғи кўрпадан чиқиб қолгани ҳақида

ичини куйдирадиган тўйхонани банд қилади. Безатиш учун ҳалиги «Гуллар ва шарлар»миди ёки «Шарлар ва гуллар»миди, ишқилиб ўша фирмани гаплашади. Агар хизмат ҳақини тузуқроқ берса, бошқаларниқидан фарқлироқ, антиқароқ қилиб безатади. Дастурхонга ҳам одатдагидек икки хил эмас, тўрт хил таом тартади. Одамлар Мирмўминнинг соясида бир яйрасин!..».

Бу каби режалар ҳатто тушига ҳам кириб чиқарди. Ширин хаёллар оғушида сармаст юрган шундай кунларнинг бирида ўғли таклифини айтиб қолди. Худди ёзда ёққан қор каби бу таклиф Мирмўмин довруқнинг нақ эсини чиқара-ёзди. Жаҳл отига минволиб, камчисини ўйнатганча, ўғлининг устига бостириб борди. Шунча режани аллақандай бемаъни таклиф билан пучга чиқармоқчи бўлгани учун уни саваламоқчи бўлиб турганида, хотини ўртага суқилдию шайтонга ҳай берди. «Ҳе, сени ўша... Лаънати ўғил. Бир умрлик орзу-хавасларининг қушандаси. «Ичимдаги душман» деганлари шу-да. Ахир мен бу кунларни озмунча кутдимми? Нима эмиш, келин билан келишганмиш, бошқа харажатлар ўрнига

ўша...». Мирмўмин ака ўз орзу-хавасларини яна бир қанча таҳдидлардан Ҳимоя қилишига тўғри келди. Ўғли бошлаб берган галвани, кекса отаси, кўпни кўрган тоғаси, муаллим амакиваччалари давом эттиришди. «Бунча харажат, бекорчи дабдаба, исрофгарчиликнинг нима кераги бор», дейишди. Кекса отаси-ку ҳеч нарсани тушунмайди, эски одам, аммо бошқаларнинг ичқоралик қилаётгани аниқ.

Хуллас, тўй Мирмўмин довруқ айтганидек ўтадиган бўлди. Аммо ҳисоблаб чиқилганда, унинг йиққан-тергани харажатларнинг ярмини ҳам қоламан экан. Тўй эгаси аввалгига чапдастик билан марафон эълон қилди. Тушган пул супрага урвоқдек эди. Шунда дўстлари унга отаси қилмаган яхшилиқни қилиб, тўйнинг қолган харажати га кетадиган пулни қўшни қишлоқдаги бир судхўрдан ойига 20 фойиз эвазига олиб беришди. Мирмўмин довруқ терисига сиғмади, ахир пул кетса кетсин, обрў кетмасин-да.

Шундай қилиб, довруғи етти маҳаллага етгулик тўй бўлди. Бешта қўшиқчи, саккизта раққоса, тўртта даврабоши... Қайси қўшиқчи қанақа ашула айтяпти, ўзи айтяп-

довруқнинг армони қолмади. Каттаю кичик ҳамма ёнидан бош эгиб ўтади. Ҳатто Боймурод бойвачча ҳам, Жалол қассоб ҳам қўлини кўксига қўйиб, унга тан беради. Аммо ич-ичидан ҳасад қилаётгани билиниб туради.

Мирмўмин икки-уч ҳафта тўйнинг рохатбахш таъсирида юрди. Орадан роппа-роса бир ой ўтиб, судхўрнинг ўғли қарзга берилган 12 миллион сўмини фоизи билан қайтаришни сўраб келди. Довруқнинг тили танглайига ёпишди, кўз олдида 15 рақами ўз ортидан 6 та 0 ни эргаштириб айлана-верди, айланаверди. Охири у гуп этиб йиқилди. «Инфаркт» дейишди дўхтирлар. Мирмўмин ака шу ётганча, роппа-роса икки ой ўрнидан турмади. Бу орада қарзи яна болалади, нақд олти миллионга. Асабилашиш мумкин бўлмагани учун уйидагилар бу ҳақда унга лом-мим дейишмади. Аммо ҳовлининг ярмини аллақачон сотувга қўйишган эди. Агар тезда қарзни тўлашмаса, Мирмўмин довруқнинг зўраки обрўси шарофати билан бутун бошли ҳовлидан жудо бўлиб, кўчада қолишлари тайин.

Ирода ОРИПОВА

2017-yil 6-dekabr, № 97 (9058)

«Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институтида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Самарали курилма» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

иссиқлик билан таъминлаш мумкин. Лойиҳамни илмий жиҳатдан мутахассислар тасдиғидан ўтказдим. Керакли эҳтиёт қисмларни ясаганимдан сўнг печни иссиқхонада

Самарали энергия тежамкор қурилмалар

касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан лойиҳаланмоқда

Энергиянинг самарали манбаларини излаб топиш бугунги кунда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларга тежамкор, экологик тоза технологияларни кенг жалб этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрик-танловда юртимизнинг барча ҳудудидан келган иқтидорли ўқувчилар техник ишланма ва ихтиролари билан иштирок этди.

— Физика-техника институти ташаббуси билан илк бор ўтказилаётган танловдан кўзланган мақсад тежамкор, экологик тоза технологияларни яратишга иштиёқманд ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бўлғуси мутахассисларнинг техник ишланмаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишга қўмақлашидир, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методиқ таъминлаш хизмати услубчиси Шоҳида Мақсудова.

Икки кун давом этган танловда ёш ихтирочилар ўз инновацион ғоя ва қурилмалари тақдимотини ўтказишди. Ҳақамлар эътиборига ҳавола этилган техник ишланмалар-



Ko'rik-tanlov

нинг аксарияти ижтимоий ҳаётимизда қўллаш мумкин бўлган истиқболли лойиҳалардир. Масалан, Термиз ахборот технологиялари ва туризм коллежи ўқувчиси Илёс Дўстқобилоннинг «Иссиқхона учун самарали печ» лойиҳаси қишқи мавсумда тоғли ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

— Биз яшаётган жойларда электр ва бошқа энергия манбалари етишмаслиги сабабли иссиқхона ташкил этиш имкони йўқ, — дейди Илёс Дўстқобилон. — Шунга қарамай, бу муаммони ҳал этиш йўлини ишлаб чиқдим. Кўёш энергиясидан самарали фойдаланиб, махсус печ орқали иссиқхонани қишда етарли

тажрибадан ўтказаман.

Ҳақамлар ишланмаларни баҳолашда қурилма лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Яқиний ҳулосаларга кўра Миришкор маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Элдор Ражабов биринчи, Ширин энергетика ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Темур Жўраев иккинчи, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи ўқувчилари Аҳмадхўжа Латипов ва Даврон Жўраев учинчи ўринга лойиқ топилди. Фолиблар фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Аброр УМАРКУЛОВ, «Ma'rifat» муҳбири



Меҳрдан яралган дунё

3 декабрь — Халқаро ногиронлар кўни муносабати билан Ангрен шаҳрида «Меҳрдан яралган асли бу дунё» деб номланган хайрия тадбири ўтказилди.

Шаҳар халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган тадбирга умумтаълим мактабларининг уйда яқка тартибда таълим олаётган 80 дан ортиқ ўқувчиси ҳамда 34-таянч ҳаракат аъзоларида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат тарбияланувчилари тақлиф этилди.

Шаҳар халқ таълими бўлими мудир Шерзоджон Мирзақаримовнинг кириш сўзидан сўнг ажойиб куй ва кўшиқлар янгради. Тўкин дастурхон атрофидан жой олган болажонлар шеър ва кўшиқлар айтиб, рақсга тушдилар. 14-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Сардорбек Жамолддиновнинг «Жаннатим онам» кўшиғи қалбларни тўлқинлантирди. Тадбирга тақлиф этилган меҳмонлар юртимизда ҳар бир инсон эътиборда эканлиги, имконияти чекланган инсонларга доимо ғамхўрлик кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Шаҳар халқ таълими бўлими томонидан уйда яқка тартибда таълим олаётган болалар ўртасида шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида «Моҳир кўллар», «Менинг сеvimли машғулотим», «Энг яхши истеъдод эгаси», «Энг моҳир шахматчи», «Энг чиройли хўснихат эгаси» каби номинациялар бўйича танлов ўтказилган эди. Тадбирда ушбу танлов ғолиблари ҳамда байрам иштирокчиларига совғалар улашилди.

Азиза САТТОВА,

Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими дефектолог

Хавфсизлиқни таъминлаш — фаровонлик гарови

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти профессор-ўқитувчилари томонидан сайёр ўқув-амалий йиғинларини ўтказиш тўғрисида режа-дастур ишлаб чиқилиб, унинг асосида барча вилоятларда давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бўлимлари ходимлари билан биргаликда ўқув-семинар ва учрашувлар, ўқув-амалий тактик машғулотлар интерфаол усулларда, ёнғин ўчириш техникаси ва кутқарув воситаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилмоқда. Тарғибот-таълиқот тадбирларида оммавий тадбирлар бўладиган объектларда ёнғин вақтида фуқароларни эвакуация қилиш, ижтимоий соҳалар ва аҳоли кўп йиғиладиган масканларда, ишлаб чиқариш объектларида «Ёнғинлар профилактикаси кўни» тадбирлари доирасида тарғибот ишларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчилари томонидан Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси масъул ходимлари билан биргаликда ана шундай тадбир ўтказилди. Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган 1-вилоят ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатда «Ёнғинлар профилактикаси кўни» тадбирлари доирасида «Оммавий тадбирлар бўладиган объектларда фуқаролар эвакуациясини ташкил

этиш» мавзусида ўтказилган ўқув-амалий машғулотда ёнғин содир бўлганда кўп қаватли бинодан ўқувчиларни эвакуация қилиш тезкор чораларини ташкил этиш амалий намойиш этиб берилди. Ўқув машғулоти фавқулодда вазиятлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, газ таъминоти, электр тармоқлари таъминоти, тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари, маҳалла фалоллари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Маъмур мактаб синфхоналаридан бирида шартли равишда ёнғин содир бўлганлиги ҳақида тезкор хабар олинганидан сўнг ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зудлик билан етиб келишди. Тезкор штаб тузилиб, вазият ўрганилди ва ёнғинни бартараф этиш ҳамда ўқувчиларни бинодан беталофат эвакуация қилишга киришилди. Олиб борилган тезкор чоралар туфайли барча ўқувчи ва ўқитувчилар бинодан тўлиқ эвакуация қилиниб, ёнғин ўчирилди. Йиғилганларга содир бўлаётган ёнғинлар, уларни келтириб чиқараётган сабаблар ва ноҳуш оқибатлари, олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида тушунча ва тавсиялар берилди.

Рамзиддин АЛАУДИНОВ,
Фарғона вилояти ИИБ
ЎХБ бошлиғи,
подполковник,
Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ЎХИ ўқувчиси, катта лейтенант

Соғлом авлод — келажак пойдевори

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида Халқаро ОИТСга қарши кураш кўнига бағишлаб «Соғлом авлод — келажак пойдевори» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда Республика ОИТСга қарши кураш маркази мутахассиси Феруза Иноғомова, Учтепа тумани ички ишлар бўлими вакили Самандар Жўраев, «Пантерро» спорт клуби мураббийи Абдуворис Абдувахобов иштирок этиб, ўқувчи-ёшларнинг соғлом турмуш тарзига риоя этиши, бунда спорт ва jismoniy tarbiyaning аҳамияти катта экани ҳақида гапирдилар.

— Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда болаларни соғлом турмуш тарзига амал қилиш ва зарарли одатлардан сақланишга ўргатиб борамиз, — дейди мактабнинг биология фани ўқитувчиси Махсума Маннолова. — Ҳар бир мавзунинг интерфаол методлар ёрдамида, ҳаётини мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Айниқса, юқори синф ўқувчиларини оилага тайёрлаб боришда бугунгидек тадбирлар яхши самара беради.

Тадбир якунида фаол ва аълочи ўқувчилар ҳамкор ташкилот ҳамда мактаб маъмуриятининг совғалари билан тақдирланди.

Шоира БОЙМУРОДОВА

Маҳорат мактаби машғулоти

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида Чирчик давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида маҳорат мактаби семинари бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар спортнинг jismoniy ва маънавий етуклик омил экани, унинг умумбашарий хусусиятлари ёшларнинг жаҳон билан бўйлашида кезис имкониятлар яратиб бериши таъкидланди.

— Jismoniy tarbiya va sport ёшларни чин маънода умуминсоний фазилатлар эгаси сифатида камол топтиришга хизмат қилади, — деди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, доцент Баҳодир Хусанов. — Чунки спорт ўйинлари ёшлар ўртасида жамоавийлик, ўзаро аҳил-

лик, бағрикенглик хислатларини тарбиялайди.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш, спортга қизиқишини ошириш мақсадида ўтказилган семинарда институтнинг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори, кимё фанлари доктори Одилбек Зиёдуллаев, педагогика факультети декани, педагогика фанлари доктори, профессор Шукрулло Мардонов, оғир атлетика бўйича XXXI ёзги Олимпия ўйинлари олтин медал соҳибдори ва рекордчиси Руслан Нурдидинов, тош кўтариш бўйича

жаҳон чемпиони Исломбек Ҳакимжонов, бокс бўйича қизлар ўртасида Осий чемпиони Гўзал Исматова ва уларнинг мураббийлари jismoniy madaniyat, хотин-қизлар спорти, бошланғич таълим, спорт ва тарбиявий иш, мактабгача таълим йўналишлари талабалари учун интерфаол машғулотлар олиб боришди.

Олимпия шон-шухрати музейидаги экспонатлар, кўрғазмалар, видеофильмлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Абдуқаюм АБДУЛҲАЕВ,
шу институтнинг
«Мактабгача ва бошланғич таълим» кафедраси
мудир

Фарзандларимизда ёшлик чоғидан бошлаб китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантиришимиз даркор.

Ш. М. Мирзиёев



«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи
жамоаси Сизларни Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганини
25 йиллиги билан самимий қутлайди!

Тел.: (371) 244-37-81, 244-87-55
Факс: (371) 244-38-10
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

© «ЎЗБЕКИСТОН»
«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи
100129, Toshkent, Navoiy kўchasi, 30.

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh муharrir Husan NISHONOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-1215. Tiraj 32450.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi А-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



•Ma'rifat-dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Nabvatchi muharrir:
Oyubov OCHILOVA.
Nabvatchi:
Dilmurod DO'STBEKOV.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Ў'zA yakuni — 23.15 Topshirildi — 00.15

1 2 3 5 6